

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА

МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336

ЮНУСОВА СОҲИБА

**МАМЛАКАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА
ИЖТИМОЙ ИНФРАТУЗИЛМА ОБЪЕКТЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ
КУЧАЙТИРИШ**

5A111001 – КАСБ ТАЪЛИМИ (МОЛИЯ)

Мутахассислиги бўйича магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

и.ф.н., доц А.Юлдашев

Наманган-2013

Мундарижа

Кириш.....	3
I боб. Ижтимоий инфратузилма назариясини шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари	
1.1. Ижтимоий инфратузилма назариясининг шаклланиши ва Ўзбекистонда унинг асосий жиҳатлари.....	7
1.2. Ижтимоий инфратузилмани туркумланишига замонавий ёндошувлар.....	11
1.3. Ижтимоий инфратузилма тушунчасининг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти.....	17
II боб. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини кучайтириш	
2.1. Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларининг йўналишлари.....	23
2.2. Ижтимоий инфратузилма ва ободонлаштиришни ривожлантириш...	39
2.3. Ижтимоий инфратузилманинг амал қилиш шакллари ва механизмлари.....	73
III боб. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини такомиллаштириш	
3.1. Ижтимоий инфратузилма объектлари ва ободонлаштириш ишларини кучайтириш.....	84
3.2. Ижтимоий инфратузилма объектлари ва ободонлаштириш учун қилинадиган ҳаражатлар.....	93
Хулоса ва таклифлар.....	102
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	106

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Кейинги бир неча йил давомида мамлакатимиз Давлат бюджетидан қилинадиган ҳаражатлар ўз масштаби ёки кўламининг капиталлиги билан ажралиб туради. Бу ҳаражатларнинг умумий ҳажми(давлат мақсадли фондларнинг маблағларисиз) 10,9 триллион сўмдан ортиб, уларнинг асосий қисми, қарийб 59,4 фоизига яқин ижтимоий соҳалар ижтимоий инфратузилмага йўналтирилди. Албатта бундан катта кўламдаги ҳаражатларнинг мамлакатимиз давлат бюджетидан сарф қилиниши шу миқдордаги маблағларнинг унда бўлишини тақозо этади. Ўз навбатида сўнгги вазифани солиқларсиз бажарилишининг иложи йўқ. Бир вақтнинг ўзида мамлакатимиз давлат бюджетда кўзда тутилган ҳаражатларни молиялаштириш учун тегишли маблағлар солиқлар ёрдамида унда аккумуляция қилинар экан, бу жараёнда солиқларни роли муҳим ҳисобланади. Бундай шароитда бир тамондан солиқ тўловчилари, иккинчи тамондан давлат бюджет манфаатларига оқилона мос келадиган тарзда бюджет ҳаражатларини ижтимоий инфратузилма учун оқилона фойдаланишдан иборатдир.

Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек «Мустақил молиявий сиёсатни республиканинг бюджет тизимини мустаҳкамлаш, бюджет даромадларини тўлдиришни таъминлайдиган ва амалий фаоллигини рағбатлантирадиган изчил солиқ сиёсатига ўтказиш.....йўли билан шакллантириш мўлжалланмоқда».¹

Бу фикрлардан келиб чиқиб дастлабки хулоса солиқ сиёсати молиявий сиёсатнинг таркибий қисми эканлигидир. Молиявий сиёсатнинг ҳаётга тадбиқ этилиши кўп жиҳатдан давлатнинг иқтисодий сиёсатига боғлиқ бўлади, чунки молиявий сиёсат давлатнинг функция ва вазифаларини бажаришда хизмат этади.

¹ Каримов И.А Ўзбекистон миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Тошкент: Ўзбекистон 1996. Б.349

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, магистрлик диссертациясининг мавзуси мамлакатини модернизация қилиш шароитида ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини кучайтириш долзарб мавзу ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганиш даражаси. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини кучайтириш масалаларини тадқиқ қилиш кўплаб иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб, уларнинг орасида О.Қ.Абдурахмонов, М.И.Мардонов, К.Т.Бозоров, А.В.Ваҳобов, Э.Ф.Тадоев, Т.С.Маликов, О.О.Олимжанов, Б.Э.Тошмуродова, Қ.А.Яҳёев, Н.Р.Қўзиева ва Н.Ҳ.Ҳайдаровларнинг илмий изланишларида алоҳида эътиборга лойиқ.

Тадқиқот мақсади. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини кучайтиришини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинди:

- ижтимоий инфратузилмасини назариясини шакллантиш ва ривожланиш хусусиятларини ягона тизимга келтириш;
- мамлакатини модернизация қилиш шароитида ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишлар ва уларга хос бўлган умумий тенденцияларни аниқлаш;
- ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ижтимоий инфратузилма объектлари, Наманган вилоят ва Наманган шаҳар ижтимоий – иқтисодий органлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети ижтимоий инфратузилма объектлари ва ободонлаштиришишлари билан бюджет ўртасидаги вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг методларини гуруҳлаш, кузатиш, статистик ва иқтисодий таҳлил, мантикий таснифлаш ва тизимли ёндошувларни ўз ичига олади.

Илмий янгилиги. Ҳозирги шароитда ижтимоий инфратузилмани объектлари ва ободонлаштиришни такомиллаштиришга қаратилган тлмий таклифлар ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади:

- ижтимоий инфратузилмасини назариясини шаклланиши ва ривожланиш хусусиятларини ифодаловчи муаллифлик таърифи берилди ва асосланди;

- мамлакатни модернизация қилиш шароитида ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини кучайтиришни таҳлил қилиб, уларнинг ҳар бирига тегишли бўлган тенденциялар, мавжуд муаммолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари аниқланди

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳмияти Республикамиздаги ижтимоий инфратузилма объектлари ва ободонлаштириш ишларини такомиллаштиришга уларни жорий этишнинг илмий концепциясини ишлаб чиқишга асос бўлиши билан белгиланади. Тадқиқот жараёнида олинган илмий хулосалар ва тавсиялар «Молия», «Давлат бюджети» каби фанларнинг ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва иқтисодий йўналишлардаги оли йўқув юртларида ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркибида кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи бобда ижтимоий инфратузилма назариясини шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари ёритиб берилган.

Иккинчи бобда мамлакатни модернизация қилиш шароитида ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини кучайтириш таҳлил қилинган.

Учинчи бобда мамлакатни модернизация қилиш шароитида ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

I боб. Ижтимоий инфратузилма назариясини шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари

1.1. Ижтимоий инфратузилма назариясининг шаклланиши ва Ўзбекистонда унинг асосий жиҳатлари

Инфратузилма тўғрисида сўз борганда, аввал шунини таъкидлаш лозимки, у қандайдир маҳсулотни ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этмайди, балки фақат уни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб беради.

Иқтисодиётнинг инфратузилмага оид унсурлари иқтисодиёт томонидан инфратузилманинг зиммасига юклатилган ўзига хос вазифаларнинг ҳосиласи ҳисобланади. Бу вазифалар вақт ўтиши билан ўзгариб, ҳамда асосий ишлаб чиқариш вазифаларидан тобора алохидалашиб боради. Шунга кўра, инфратузилманинг моҳиятини аниқлашда унинг дастлабки белгиси бўлиб ишлаб чиқаришни зарур шарт-шароит билан таъминлашдан иборат бўлган вазифаси майдонга тушмоғи лозим. Зеро, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Инфраструктура комплекси - иқтисодиётимизнинг бутун структурасига таянадиган пойдевордир. Республика бутун халқ хўжалик комплекси ишининг уйғунлиги, унинг самарадорлиги, шунингдек, чет эл сармояларини жалб қилиш ва ўзлаштириш имконияти бутунлай инфраструктура тизими ривожининг ҳолатига ва даражасига боғлиқдир²".

Ўзбекистонда бозор инфратузилмасининг шаклланиши ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтган илк йилларидақ намоён бўла бошлади ва унинг самарали амал қилишини таъминлаш бўйича Президентимиз асарларида ва маҳрузаларида жуда кўп марта алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган муҳим устувор вазифалар сирасига киритилган.

А.Бекмуродов ва бошқа муаллифларнинг "Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари" номли ўқув қўлланмасида инфратузилманинг

² Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохитларни чуқурлаштириш йўлида. Т: "Ўзбекистон", 1995, - 240-б

мазмунига "Бозор инфратузилмаси бу товар ва хизматлар ҳаракатини воситаловчи ташкилий-ҳуқуқий шакллар йиғиндиси" деб таъриф берилган. Шу билан бирга ушбу қўлланмада инфратузилма мазмуни билан боғлиқ бўлган, унинг белги ва мезонларини тавсифловчи бошқа тушунчаларга ҳам таъриф берилган. Жумладан, "Бозор иқтисодиёти инфратузилмаси - бу алоҳида бозорлар доирасида ҳаракатланувчи ва уларнинг меъёрий тартибда амал қилишини таъминлаш бўйича маҳлум вазифаларни бажарувчи ўзаро боғлиқ ихтисослаштирилган институтлар йиғиндиси. Бозор инфратузилмаси институтлари — бозор муносабатлари амал қилиши, барча бозор фаолияти турларининг муваффақиятли фаолиятини таъминловчи корхоналар йиғиндиси". Бу ерда бозор инфратузилмасини ёритиб асосан бозор иқтисодиёти субъектлари нуқтаи назаридан ёндашилган.

Р.Жохимсен инфратузилмани хўжалик фаолияти даражасини оширувчи, ҳудудларда хўжалик бирлигини ташкил этишга имконият яратувчи, бир хилда сарф қилган харажатларига оладиган даромадларини тенглаштирувчи моддий, шахсий ва институционал фаолият турлари ва улар ташкилотларининг йиғиндиси сифатида талқин қилади³.

Яна шундай нуқтаи назар ҳам мавжудки, унга кўра инфратузилма қулай фаолият майдонини таъминлашга қаратилган саноат корхоналарининг муваффақиятли амал қилиши учун зарур моддий-техникавий шароитларни таъминловчи объект ва иншоотларнинг йиғиндиси сифатидаги жамғарилган моддий бойликни ташкил этади.

Бугунги кунда ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги жуда кўплаб омил ва хусусиятларни, жумладан, республикаимизнинг геосиёсий ва геостратегик ҳолати; минерал-хомашё ресурсларининг мавжудлиги ва табиий-илмий шаиоитлар; демографик аҳвол; аҳоли анъаналари, одатлари, ҳаёт тарзи, раенталитети; иқтисодий тизимни босқичма-босқич ислоҳ қилиш; давлатнинг фаол, белгиловчи роли;

³ Жохимсен Р. Зеориедер Инфраструктур – Зубинген. Моҳр, 1966, 51 – бет

ислохотларга қадар даврдаги иқтисодиётнинг таркибий тузилишидаги номувофиқликлар; кучли ижтимоий сиёсат зарурлиги кабиларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Шу билан бирга бозор механизмларининг самарали амал қилиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни, шу жумладан, бозор инфратузилмасининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бирига айланган. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси - фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва консалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиши лозим бўлган бошқа тузилмалар том маҳнода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, иқтисодиётимизни очиқ, эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз"⁴ .

Бозор инфратузилмасининг ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, бундай хусусиятлардан бири бўлиб, бозор инфратузилмасининг самарали амал қилинишини таъминлашда давлатнинг алоҳида ролининг зарурлиги ҳисобланади. Чунки, бундай зарурият қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- инфратузилма соҳасидаги талаб ва таклифни тартибга солиб турувчи бозор механизмнинг самарали амал қилмаслиги;
- инфратузилма объектлари хизматига бўлган нархлар бўйича талабнинг эластик эмаслиги;
- инфратузилма хизматлари бозорининг нотекис таркибий тузилиши натижасида бозордаги мувозанатга эришишда давлат томонидан аралашувнинг зарурлиги;
- инфратузилма соҳаси фаолиятининг ривожланиши асосий тармоғининг ривожланиш даражасига боғлиқлиги ва бошқалар.

Шунга кўра, ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичидаёқ иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишлари, яъни мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш; нархни босқичма-

⁴ Каримов.И.А.Ўзбекистон 21 асрга интилоқда. Ўзбекистон 1999, 35 – бет

босқич эркинлаштириш; молия-кредит ислохотини ўтказиш; иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш; яратиш ҳам муҳим йўналиш сифатида белгилаб олинди. Бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида давлат томонидан қуйидаги чора-тадбиртарга алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилди:

- бозор субъектлари ўртасидаги бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлараа ривожлантириш;
- бозорининг мавжуд турларини ривожлантириб, янгиларини вужудга келтириш;
- иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга кўмаклашувчи идораларни барпо этиш;
- бозор шароитида ишлай оладиган малакали кадрларни тайёрлаш.

Мамлакатимизда бозор инфратузилмаси ривожланишининг хусусиятларидан яна бири - бу унинг алоҳида ҳолда эмас, балки иқтисодиётда олиб борилаётган ўзгаришлар билан чарнбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилишидир. Жумладан, мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келтиришда давлат мулкни баҳолаш, уни сотишга тайёрлаш ва сотиш, янги мулк эгасига бериш, мулк эгалари ўртасидаги битимларни рўйхатга олиш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришда салоҳиятли мулк эгаларини аниқлаш, улчами молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби вазифаларни бажариш мақсадида кўплаб инфратузилма унсурлари барпо этилди. Шунингдек, иқтисодиётнинг барча соҳалари, айниқса бозор инфратузилмаси таркибига кирувчи банк-кредит, суғурта тизимлари фаолиятининг эркинлаштирилиши ҳам янги ташкилий тузилмаларнинг шакллантирилишига имкон яратди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, ўрта мулкдорлар синфини қарор топтиришга бўлган эътибор тадбиркориик фаолиятини қўллаб-қувватлашга, уларнинг иш самарасини оширишга ихтисослашган кўплаб тузилмаларнинг вужудга келишига олиб келди.

Бозор инфратузилмасини яратиш узоқ давом этувчи ва мураккаб жараён ҳисобланади. Айниқса, унинг таркибидаги тузилмаларни барпо этиш учун уларнинг иқтисодий табиатидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ёндашув зарур бўлиб, бу борадаги тадбирлар босқичма-босқич ва изчил равишда амалга ошириб борилиши лозим. Шунга кўра, юртбошимиз И.А.Каримов, авваламбор, бозор шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро муносабатларни таъминлайдиган муҳит яратиш зарурлигини таъкидлаган ҳолда бозор инфратузилмасини яратиш биринчи даражали вазифалардан эканлигини кўрсатиб берди. Махмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлган иқтисодий муносабатлар механизмини бозор муносабатлари механизми билан алмаштириш ва шу асосда ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар манфаатлари муштараклигини таъминлаш, бунинг учун «бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, товарлар, сармоя, ишчи кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш, бозор инфраструктурасини вужудга келтириш, бозор шароитида ишлай оладиган малакали кадрлар тайёрлаш»⁵ зарур.

1.2. Ижтимоий инфратузилмасининг туркумланишига замонавий ёндошувлар

Инфратузилма мажмуига кирувчи соҳалар иқтисодий жараёнларга турлича таъсир кўрсатади ва ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида ўзига хос ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан ҳам инфратузилма тармоқларини уларнинг муҳим белгилари жиҳатидан таснифлаш унинг алоҳида унсурлари ва асосий йўналишларининг такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнини аниқлашга имконият яратиб беради. Инфратузилма мажмуасининг кенг қамровли хусусиятга эгаллиги, бевосита уни ягона мезон бўйича таснифлаш имконини бермайди.

⁵ Каримов.И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари. Т.: Ўзбекистон 1993, 7-б

Шунга кўра, илмий манбаларда бозор иқтисодиёти шароитида инфратузилманинг асосий йўналишлари сифатида ишлаб чиқариш, ижтимоий-маиший, институционал, шахсий, экологик, жаҳон ва бозор инфратузилмаси ажратиб кўрсатилади.

Инфратузилманинг бу кўринишларини бир-биридан ажратиш, фарқлаш ҳамда уларнинг асосий моҳиятини ифодаловчи илмий таърифлаш нафақат назарий, балки инфратузилма мажмуасининг иқтисодий муно-сабатлар тизимида тутган ўрнини асослашда муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

Ишлаб чиқариш инфратузилмаси таркибан моддий неъматлар ишлаб чиқарувчи тармоқ ва корхоналарга ишлаб чиқарилган маҳсулотларни истеъмолчига етказишга тайёрлаш, сақлаш, ўраш, қadoқлаш ёки жойлаштириш, товар жойланадиган ёки ўраладиган идишлар билан таъминлаш, ташиш, таъмирлаш ҳамда сотиш каби хизматлар кўрсатувчи, уларнинг тўхтовсиз ва самарали фаолият юритишини таъминловчи ташкилот ва корхоналар мажмуини ташкил этади. Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг таркибига кирувчи тузилмалар ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашмайди, балки такрор ишлаб чиқаришнинг мунтазам ва бир маромда кечиши учун фақат билвосита асосда зарурий шарт-шароитлар яратиб беради. Шунингдек, мазкур инфратузилманинг функционал хусусияти бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқларида сарфланган меҳнат унумли ҳисобланади, у миллий даромаднинг қийматини кўпайтиради;
- инфратузилма тармоқларида маҳсулот янги моддий-ашёвий шаклда яратилади;
- инфратузилма тармоғи маҳсулотини захирада сақлаш ёки омборга олиш мумкин эмас, чунки у ташиш, сақлаш ва ахборотни узатиш шаклида намоён бўлади;
- ишлаб чиқариш инфратузилмасини ёрдамчи, ва айниқса, иккинчи даражали соҳа сифатида тавсифлаш мумкин эмас.

Ижтимоий-маиший инфратузилма бевосита кишиларнинг ижтимоий, маънавий, маданий, маърифий, илмий ва шу каби фаолият йўналишларидаги ҳаракатлари, муносабатлари, ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигини таъминлаш, ривожлантиришга хизмат кўрсатувчи тармоқ ва субъектлар мажмуидан иборат бўлган иқтисодиётнинг алоҳида бир бўғинидир. Яъни, ижтимоий-маиший инфратузилма аҳолининг турмуш тарзига бевосита боғлиқ бўлган уй-жой қурилиш, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия бериш, жисмоний тарбия ва спорт, маданий ва маиший, махсус алоқа ва транспорт, умумий овқатланиш хизматларини кўрсатиш ҳамда кишиларнинг ҳар томонлама ривожланишига таъсир этувчи бошқа соҳаларни ўз ичига олувчи, уларни боғловчи тизим сифатида ифодаланади.

Шунингдек, иқтисодий манбаларда ушбу соҳа "ноишлаб чиқариш соҳаси", "хизматлар соҳаси", "социал инфратузилма" ва шу каби номлар билан ҳам аталади. Шу туфайли ижтимоий-маиший инфратузилма соҳасига қарашларнинг бир хил эмаслиги моддий ишлаб чиқариш соҳаси ва хизматларни аниқ чегаралашда маълум қийинчилик туғдиради. Хизматлар ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш асосан ишлаб чиқариш соҳасининг бир қисмини ҳамда тақсимот ва истеъмол муносабатларини ўз ичига олади. Бу жараёнда жамият аъзоларининг ҳаёти ва фаолияти учун моддий, маданий-маиший ва ижтимоий шароитлар яратилади. Бу шароитлар эса жамиятда эришилган ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси ва мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларини ўзида акс эттиради. Ижтимоий-маиший инфратузилма аҳолининг ижтимоий ва шахсий ижтимоий-маиший эътиёжларини қондирувчи икки томонлама хизматларни ўзида мужассамлаштирган бўлиб, унинг тармоқларини ижтимоий ва маиший гуруҳларга бирлашишини тақозо этади.

Ижтимоий инфратузилма инсоннинг ижтимоий ва шахсий эътиёжларини қондирувчи ижтимоий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқаришнинг шarti бўлиб майдонга чиқади. Бунга халқ таълими, соғлиқни сақлаш, маданият ва саноат, жисмоний тарбия ва спорт киради. Маиший инфратузилма эса аҳолининг ҳаёти ва фаолияти учун уй-жой, маиший шароит яратади. Бу

соҳага асосан савдо, умумий овқатланиш, йўловчи ташувчи транспорт ва хизмат кўрсатувчи тармоқлар киради. Инфратузилманинг бу қисми ижтимоий инфратузилмадан кўра кўпроқ моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Ижтимоий-маиший инфратузилма қандайдир асосий тузилма учун ёрдамчи ва узатувчи хизмат кўрсатувчи механизм ҳисобланмайди. Чунки, ижтимоий хизмат кўрсатиш объекти - аҳоли - ноишлаб чиқариш соҳаси билан ишлаб чиқариш, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муносабатлари билан умумий алоқаси бўлмаган муносабатда бўлади.

Ижтимоий-маиший инфратузилманинг асосий функциялари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ёш авлодни тарбиялаш, таълим бериш, қайта малакасини ошириш (маориф, таълим);
- иш вақти давомида меҳнат унумдорлиги пасайишининг олдини олиш (умумий оvyатланиш, йўловчи транспорти);
- меҳнатга лаёқатлилиқ даврининг давомийлигини узайтириш;
- ходимнинг дам олиш шарт-шароитларни яратиш, уларнинг маданий савиясини ошириш (тураржой хўжалиги, маданият, саноат).

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший инфратузилманинг ўхшаш томони ҳам мавжуд: ҳар иккала соҳада ҳам товар қийматининг ўзгариши хизмат кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Институционал инфратузилма эса бевосита ижтимоий хўжалик юритиш фаолиятини ташкил этиш, бошқаришни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ҳамда давлат муассасаларини ўз ичига олади. Институционал инфратузилманинг фарқлантирувчи хусусияти асосан унинг мустақил тармоқ ёки тармоқнинг ички тузилиши тарзида намоён бўлмай, балки уларга тизим ости бошқарувчи ролида хизмат кўрсатиши орқали ифодаланади. Ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида бажарадиган бошқарувчилик вазифаларига кўра жамият ҳудуд, тармоқ, ишлаб чиқариш ва бошқа шу каби даражалардаги институционал инфратузилмалар фарқланади.

Ушбу инфратузилма турли-туман ва бир-бирига мустаҳкам боғлиқ бўлган элементларнинг мураккаб тизимини ташкил этади. Унинг бир қисми такрор ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришда бевосита иштирок этади, яъни ижтимоий ишлаб чиқаришни бошқариш субъекти ҳисобланади, бошқа қисми эса муомала соҳасига хизмат кўрсатади. Р.Иохимсен институционал инфратузилмага берган таърифига кўра, "институционал инфратузилма - бу мавжуд эркинликни таъминловчи, мулк муносабатлари, мерос қолдириш, ишга ёллаш ва бошқаларга оид муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ тартиботидир. Ушбу ҳуқуқ-тартибот давлат тузилишининг сиёсий, субъектларининг иқтисодий манфаатлари, этник, диний, ирқий ва касбий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қонуний мустаҳкамланган бўлмоғи керак"⁶. Институционал инфратузилманинг вазифаси маълум хўжалик тизимида фаолият юритаётган субъектларга "яхши ва қулай имкониятлар" да, уларнинг натижалари тенг самаралар берадиган ички ҳуқуқ-тартибот асосларини ишлаб чиқишдир.

Экологик инфратузилма бевосита табиатни, атроф-муҳитни, атмосфера ифлосланишининг олдини олиш, тоза ичимлик суви билан таъминлаш, инсоннинг табиатга ўтказадиган салбий таъсирини камайтиришга қаратилган давлат муассасалари, маҳаллий ҳокимият, муҳандислик иншоотлари, лабораториялар ва экология билан боғлиқ бўлган давлат, халқаро ва ижтимоий ташкилотларни ўз ичига олади. Экологик инфратузилма қишлоқ жамоасининг индустриал ривожланиши натижасида вужудга келган. Ушбу инфратузилма бевосита фан-техника тараққиёти натижасида содир бўлган салбий жараёнларга чек қўйиш асосида табиатнинг чекланган захираларидан самарали фойдаланиш борасида нафақат алоҳида ҳудуд, мамлакат, балки халқаро миқёсда ўзаро ҳамкорликда фаолият юритишни ўз ичига олади.

Инфратузилма мажмуида **«шахсий инфратузилма»** ҳам муҳим рол ўйнайди. У ўзининг моҳиятига кўра хориж иқтисодиётида қўлланилган товар хўжалигининг самарали фаолият юритиш воситаси бўлган "социал умумий

⁶ Федько В.П., Федько.Н.Г. Инфраструктура товарного рынка. Ростов н/Д: Феникс, 2000, 32-б

капитал" ёки жамиятда кишиларнинг маънавий (аълий), тадбиркорлик, касбий ва бошқа фаолиятларини ташкил этувчи "инсон капитали" ҳисобланади. Шунинг учун ҳам шахсий инфратузилма меҳнат тақсимланган товар хўжалигида иштирокчиларнинг, уларнинг умумхўжалик фаолиятига интеграциялашувининг ошишини таъминловчи ва ишларини ҳисобга олган ҳолдаги сони ва сифати (тайёргарлик даражаси)ни қамраб олади.

Телекоммуникацион инфратузилма - компаниянинг телекоммуникацион инфратузилмаси - бу турли ахборотларни: автоматлашган бошқарув тизимлари маълумотлари, электрон хабарлар, интернет-графика, турли файллар ҳамда «овоз» ва видео кўринишидаги ахборотларни узалиш вазифасини ҳал қилувчи ўзаро алоқадор тизимчалар мажмуасидир.

Инфратузилма мажмуаси ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таркибий қисми бўлиб, бевосита ўзининг умумиқтисодий вазифаси миқёсида ишлаб чиқаришга хизмат қилади ва унинг умумий шарти тарзида намоён бўлади. Пировард натижада эса, ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатларнинг амалга ошишида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, муомала жараёнини тезлаштириш, енгиллаштириш ва бевосита истеъмолни қондириш ва ниҳоят, такрор ишлаб чиқариш босқичларининг узлуксизлигини таъминлайди.

Товарлар, ишчи кучи, молиявий воситаларнинг миллий чегаралар орқали тўхтовсиз ўсиб боровчи ҳаракати бутун жаҳон инфратузилмасининг ривожланиши ва такомиллашувини тезлаштиради. Жуда муҳим транспорт тизими (денгиз, дарё, ҳаво, темир йўл транспорти) билан бир қаторда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида ахборот коммунификациялари тармоғи тобора кўпроқ аҳамият касб этиб боради. Муносиб умумжаҳон инфратузилмаси бўлмаса, ҳозирги ишлаб чиқарувчи кучларнинг байналмилаллашувини ривожлантириб бўлмайди. Бундай инфратузилманинг айрим таркибий қисмлари жаҳон савдоси вужудга келаётган, жаҳон бозори ташкил топаётган вақтда пайдо бўлган⁷.

⁷ Шодмонов.Ш.Ш, Алимов.Р.Х., ЖўраевТ.Т. Иқтисодиёт назарияси 380-б

1.3. Ижтимоий инфратузилма тушунчасининг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти

Республикамизда кичик тадбиркорлик субъектларининг самарали фаолият юритиши ва ривожланиб бориши кўп жиҳатдан улар учун яратилган шарт-шароитларга боғлиқ. Кичик тадбиркорлик ривожига қулай имкониятлар яратадиган шарт-шароитлар орасида инфратузилма хизматини алоҳида ажратиб кўрсатиш лозим.

Кичик тадбиркорлик субъектларида ишлаб чиқариш кенгайиб бориши билан уларнинг техник таъмирлаш, моддий-техника таъминоти, маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш, коммуникация ва алоқа, маслаҳат ва ахборот каби бир қатор хизмат турларига бўлган талаби ортиб бораверади. Чунки кичик тадбиркорлик субъектларига юридик шахс мақомини бериш билангина иш битмайди. Уларнинг тўлақонли фаолиятини фақат мукамал ташкил этилган инфратузилма бўлинмалари орқалигина тасаввур қилиш мумкин.

Инфратузилма иқтисодий тизимнинг бир бўлагини ташкил қилиб, у ишлаб чиқаришнинг бир маромда фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратади.

“Инфратузилма” сўзи латин тилидан (infrastructure) таржима қилинганда “тузилмадан ташқарида” маъносини англатади. Иқтисодий нуқтаи назардан инфратузилма моҳиятига қуйидаги изоҳ кўпроқ мос келади: “инсон ҳаёти ва ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида фаолиятлар алмашинуви таъминловчи товарлар ва хизматлар яратишда ўзига хос меҳнат жараёнлари мажмуаси”.

Кейинги йилларда инфратузилма юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Буни бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин. Хусусан, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари инфратузилмалар ривожидан олдинда бормоқда ва бу иқтисодиётнинг ривожланишига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Инфратузилма жуда кенг қармовли тушунча бўлиб, бу энг аввало ишлаб чиқариш жараёнига ҳар тарафлама хизмат кўрсатадиган хизмат тураларини яратиш билан боғлиқ.

Инфратузилма бўлинмалари ривожланиб боришидан кичик тадбиркорлик субъектлари катта манфаат кўради, негаки бундай бўлинмалар уларни ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган ишлардан озод этиб, куч-ғайратини асосий фаолиятига қаратишга имкон яратади.

Инфратузилма томонидан яратиладиган шароитларни ўз навбатида қуйидагича туркумлаш мумкин:

- Бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи – моддий техника таъминоти ва тайёр маҳсулотни сотиш, ахборотни йиғиш ва қайта ишлаш, бухгалтерия хизмати. Технологик, бошқарув масалалари бўйича маслаҳат хизмати ва боқшалар;

- Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш шарт-шароитлари – ишчи ва хизматчиларнинг соғлиғини, таълим олиши ва касбий тайёргарлигини, дам олишларини қўллаб-қувватлаш.

Шу пайтга қадар инфратузилмани ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмалар йиғиндисидан иборат деб қараб келинган. Бозор иқтисодиётига асосланган иқтисодий тизим кириб келиши билан ишлаб чиқариш инфратузилмаси кўлами кенгайиб, “бозор инфратузилмаси” ва “институционал инфратузилма” сўзлари истеъмолга кириб бормокда.

Бозор инфратузилмаси бевосита ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатувчи тармоқларни ўз ичига олади. Унинг таркибига юк транспорти, электр, газ ва сув таъминоти, омбор хўжалиги, алоқа, ахборот, моддий-техника таъминоти, маҳсулотни ташиш, сақлаш ва қайта ишлаш, техник хизмат кўрсатиш, маркетинг ва реклама, ахборот-маслаҳат, аудиторлик, молия-кредит ва инвестицион каби хизмат турлари киради.

Ижтимоий инфратузилма ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ва хизматчиларга нормал меҳнат фаолияти яратиш ва ишчи кучини такрор

ҳосил қилиш, шунингдек, тадбиркорларнинг турли маиший хизмат турларига бўлган талабини қондириш учун хизмат қилади.

Институционал инфратузилма иқтисодиёт ривожланишининг оптимал макроиқтисодий нисбатларини қўллаб-қувватловчи ва тартибга солувчи соҳалар фаолият турларини ўз ичига олади. Унга иқтисодиётни тартибга солиб турувчи давлат ва нодавлат бошқарув органлари ва боқалар киради.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини тартибга солиб ва қўллаб-қувватловчи бозор инфратузилмаларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Буни юқори даражада ривожланган мамлакатлар тажрибаси ҳам тасдиқлайди. Масалан, АҚШда 1953 йили кичик ва ўрта бизнес ишлари бўйича Администрация (КБА) ташкил этилган бўлиб, унинг зиммасига кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича барча вазифалар (молиявий ёрдам, техник ва маслаҳат хизмати, давлат буюртмаларини олишга кўмаклашиш ва бошқалар) юклатилган.


КБА таркиби уч босқичдан – АҚШ пойтахтидаги штаб-квартира, 10 та ҳудудий бошқарма ва 100 дан ортиқ маҳаллий бўлинмадан иборат. Улар бутун мамлакат бўйлаб кенг тарқалган тармоққа эга бўлиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, коллежлар, университетлар, корхоналар ва жамоат ташкилотлари билан яқин алоқада фаолият кўрсатади. АҚШда кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш билан бошқа идоралар, хусусан, Ички ишлар вазирлиги, Уй-жой қурилиши ва шаҳарлар ривожланиши вазирлиги, миллий илм фонди, фермерлик бўйича Администрация, кичик бизнесни ривожлантириш марказлари ва институтлари, савдо-саноат палатаси каби 2700 дан ортиқ федерал идора шуғулланади.

Кейинги йилларда республикамизда бозорда инфратузилмаларини фаол шакллантириш жараёни бошланди. Бу жараённинг натижалари сифатида кичик тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи брокерлик идоралари, кичик улгуржи ва чакана савдо тузилмалари, лизинг, консалтинг компаниялари, ахборот-маслаҳат марказлари, инжиниринг, аудиторлик фирмалари, суғурта компаниялари, транспорт-экспедиция корхоналари,

ахборот-реклама бюрolari ва бошқа турли хил инфратузилмалар тизими фаолият кўрсатади.

Энди биз куйидаги жадвал ёрдамида ижтимоий инфратузилмани кўриб чиқамиз

Жадвал –



Республикамызда ҳам таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асослари “Таълим тўғрисида”ги қонун илан қаул қилинади. Маориф шакллари молиялаштиришнинг нуқтаи назаридан иккита катта ўлимга бўлинади.

Ҳалқ таълими, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим ва ҳалқ таълими инфратузилмасини ўз ичига олади.

Кадрлар тайёрлаш тизими – ўрта махсус касб – ҳунар таълими, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим, малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда кадрлар тайрлаш тизими инфратузилмасини ўз ичига олади. Маориф ҳаражатларининг энг муҳим бўғинлари бўйича маблағларни

такомиллаштириш тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиб чиқдик, бунда асосий ҳаражатлар маориф ҳаражатларига йўналтирилган.

Соғлиқни сақлаш ҳозирги кунда жуда муҳим тиббий хизматларни таклиф этмоқда. Улар якка тартибаги истеъмол ва жамият фаровонлигини товарлар зарарларини ўзида йиғма ҳолда акс эттиради. Тармоқнинг бундай хусусияти уни молиялаштириш манбаларини белгилашда ҳисобга олиниши лозим. Якка тартибдаги хусусий ёки муассаса тамонидан алоҳида шаклларда кўрсатилган ижтимоий – маданий хизмат бутунлай ёки бирор корхоналар тамонидан таъминланмоғи лозим.

Ушбу масалани ҳал этиш давлатнинг молиявий имкониятига боғлиқ бўлади, молиявий қуввати бақувват давлат жамоат фарофонлиги турларини кўпайтириб боради ва уларга бўлган эҳтиёжларини тўла қондиради.

Ижтимоий инфратузилма таркибида ижтимоий хизматлар ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Маиший хизмат турлари борки, улар жамият доимо эҳтиёж сезиб туради, бироқ ушбу турларни ишлаб чиқариш нодавлат сектор учун уларни истеъмол қилувчилар орасида даромади юқори бўлганлар озчиликни ташкил этади, аксарият ҳолда бундай хизматлар асосан қимматбаҳо бўлади.

Ижтимоий инфратузилма таркибида ижтимоий таъминот ҳам етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Буларни таркибига қуйидагилар киради:

1. Болали оилаларга нафақалар:

- ҳомилададорлик ва туғруқ бўйича нафақа;
- бола туғилган данда бир маротаба бериладиган нафақа.

2. Ижтимоий нафақа:

- туғма ногиронлар ва бошқа тоифадаги ногиронларга;
- иш стажи йўқ қарияларга;
- боқувчисини йўқотган оилаларга.

3. Ижтимоий таъминот муассасаларини сақлаш:

- қариялар ва ногиронлар уйлари;
- касалманд болалар учун интернатлар.

4. Турли имтиёзлар:

- бепул ва арзонлаштирилган нархда транспорт воситалари ва ногиронлик аравачаларини бериш;
- санатория – курорт йўлланмалари билан протезлаш;
- солиққа доир имтиёзлар.

5. Кам таъминланганлик бўйича нафақалар:

- ижтимоий ёрдам дастурларини молиялаштиришнинг асосий манбаи давлат бюджети ҳисобланади.

Ижтимоий суғурта – вақтинчалик меҳнат қобилиятини йўқотганлиги сабабли пенсияга чиқиш муносабати билан ишсизлиги туфайли аҳолининг йўқолган иш ҳақини маълум қисмини қоплашдир.

II-боб. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини кучайтириш

2.1. Ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларининг йўналишлари

Бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган бозор қайта қуришлари текширувларни ташкил этиш ва амалга ошириш мазмунини тубдан ўзгартиришни талаб қилади ва молиявий назорат олдига принципал жихатдан янги вазифаларни қўяди. Бу вазифалар шу билан белгиланадики, «бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бозорнинг тармоқланган инфратузилмасини ташкил этишни талаб қилади»⁸, уларсиз «бозор механизмлари тўлиқ даражада ишлай олмайди». Бундай инфратузилмалар қаторига банк-кредит ва солиқ тизимлари, қимматли қоғозлар ва фонд биржаси, суғурта ва аудиторлик хизматлари ва ҳ.к. киради.

Бугунги кунда мамлакатимизда кечаётган иқтисодий ислохотлар самараси, иқтисодиётни эркинлаштириш жараёни, кўп ҳолларда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш билан узвий боғланиб бормоқда. Республикамизда бу соҳани жадал ривожлантириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитларни яратиб берувчи бозор инфратузилмасини қарор топтириш эса, бу борадаги асосий йўналишлардан бирига айланди. Шунинг учун ҳам республикамиз Президенти И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилишига бағишланган йиғилишида: «кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасидаги вазифалар – бозор инфратузилмасини

⁸ И.А.Каримов Ўзбекистон - ўз янгиланиш ва тараққиёт йўли. - Т.: Ўзбекистон, 1992. 52-б.

ривожлантириш, тадбиркорликнинг моддий-техника ресурсларидан, хом ашё ва материаллардан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш, уларга зарур техника воситаларини етказиб бериш, майда улгуржи савдо ва сервис хизмати тармоғини яратиш билан боғлиқ масалалардир»⁹, дея таъкидлаб ўтиши мазкур жараённинг нақадар аҳамиятли эканини эътироф этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда бозор инфратузилмаси, яъни инфратузилма муассасалари кичик бизнес субъектларининг товар ва хизматлар бозори, молия бозори, пул бозори, меҳнат бозори, суғурта бозори, шунингдек банк тизими, нобанк молиявий институтлар тизими, улгуржи воситачилик тузилмалари, консалтинг ва аудиторлик хизматлари бозори ва бошқа бир қатор муассасалар билан бўладиган ўзаро алоқаларни – муносабатларни таъминлайди.

Инфратузилма – хизмат кўрсатиш соҳалари мажмуаси бўлиб, таркибан ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини ўз ичига қамраб олади. Буни эса қуйидаги расм орқали яққол кўришимиз мумкин (1-расмга қаранг).

Бозор инфратузилмаси яратилар экан, у ҳамиша ривожланиш ва мураккаблашиб бориш билан ҳаёт бўлиб туради ҳамда шунинг воситасида ўзининг аҳамияти ва зарурлигини билдириб туради.

Шу ўринда бозор инфратузилмаси ҳамда кичик бизнес инфратузилмасини фарқлашимиз лозим. Бозор инфратузилмаси деганда, бозор иқтисодиёти учун хизмат кўрсатувчи ҳар хил соҳалар тушунилади ва улар жумласига тижорат банклари, аукционлар, савдо уйлари, ташқи савдо фирмалари, давлатнинг ташқи савдо маҳкамалари, божхоналар, солиқ идоралари, тижорат ва соҳибкорлик идоралари, савдо-сотик уюшмалари, воситачи фирмалар, бирлашма ва корпорациялар, суғурта ташкилотлари, аудиторлик фирмалари, консалтинг фирмалари, лизинг компаниялари ва бошқа давлат ва нодавлат, тижорат ва нотижорат ташкилотлари киради.

⁹ И.Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилнинг биринчи ярим йиллигида Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш юзасидан устувор вазифалар ва топшириқларнинг бажарилиши ҳамда долзарб муаммоларнинг ҳал этилиши тўғрисидаги мажлисида сўзлаган нутқи. // «Ўзбекистон овози» газетаси, 2002 йил 20 июл, 2-бет.



Бундан кўриниб турибдики, бозор инфратузилмаси умумий иқтисодий фаолият билан боғлиқ барча жабҳаларни қамраб олади. Фикримизча, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бозор иқтисодиётининг таркибий қисмларидан бири сифатида Ушбу инфратузилма объектларининг умумий фойдаланувчиси ҳисобланса-да, шу билан бир қаторда ўзининг ташкил топиш, амал қилиш ва ривожланиш хусусиятларидан келиб чиқувчи махсус инфратузилма объектларига ҳам боғлиқлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Чунки бозор инфратузилмасининг юқорида санаб ўтилган унсурлари билан бизнес-мактаб, бизнес-инкубатор, суғурталаш ва молиялаш муассасаларининг мазкур соҳага таъсири бир хил даражада бўлмайди¹⁰.

Минтақавий инфратузилма тармоқлар ва фаолият турларининг бир бутун тизими бўлиб, унинг вазифаси шу Минтақа ҳудудида кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдир. Қоидага кўра, инфратузилманинг ўзи даромад келтирмайди. Унинг ташкил этилиши ва самарали фаолият кўрсатиши давлат маблағи ва фондлар ёки маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Инфратузилманинг таркиби доимий бир хил бўлмайди. У Минтақанинг ўзига хос хусусиятларига асосланади. Минтақанинг ихтисослашуви ва жойлашувига боғлиқ бўлади. Инфратузилманинг таркибида: молиявий муассасалар, банклар, маслаҳат марказлари, реклама, ҳуқуқий хизматлар, транспорт воситалари ва йўллар хизмати, сув, газ ва электр билан таъминлаш, тозалаш иншоотлари хизматлари, алоқа хизмати бошқа хизматларга қараганда кўпроқ учрайди.

Бу эса кичик бизнес инфратузилмасида зарурий турли хил хизмат кўрсатиш объектларини яратиш ва уларнинг етарли таъминланганлик даражасини оширишга эришиш талабини орттирадики, пировардида, улар, албатта, кичик бизнес соҳасининг ривожланиш даражасининг юқори бўлишига имкон яратади.

¹⁰ А.Жўраев, Б.Маматов «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда бозор инфратузилмаси ўрни». // «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2003 йил, 4-сон, 44-45-бетлар.

Шунга кўра, ҳар бир минтақа ўз иқтисодий ҳолатига асосланиб, кичик бизнес ва тадбиркорликни ҳам ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва бунинг учун мавжуд имкониятлари, салоҳияти ва ресурсларидан самарали фойдаланишга интилади. Бунда минтақа миқёсида кичик бизнес фаолиятини ривожлантиришнинг барча зарурий асосларини мустаҳкамлаш, жумладан, инфратузилмавий ҳолатни яхшилаш, унинг фаолият юритиш самарадорлигини ошириш, инфратузилманинг хизмат кўрсатиш объектлари билан тўлиқ таъминланишига, кичик бизнес субъектларининг уларга нисбатан ишончини, қизиқишини орттириш, мавжуд инфратузилма объектларининг миждозлар билан ишлаш йўналишларини такомиллаштириш каби бугунги кунда ҳал этилиши лозим бўлган муҳим вазифалар борки, уларнинг том маҳнодаги ечимига ққл урмай туриб, кичик бизнеснинг яқин келажакдаги ва умуман, истиқболдаги юксак тарққиёт чқққиларини эгаллашларига эришиб бўлмайди.

Шунинг учун ҳам кичик бизнесда инфратузилмавий ислохотлар таркиби ва йўналишини қайта кўриб чиқиш, уни такомиллаштириш асосларини яратиш орқали бозор тамойилари ва қонуниятлари асосида фаолият юритиш механизмини ишлаб чиқиш, бунинг учун бу борада ҳуқуқий масалалар ечимини ҳал этиш кичик бизнес тараққиёти пойдеворини қрнатишнинг муҳим вазифаларидан бўлиб турибди.

Мамлакат миқёсида кичик бизнесда инфратузилма ҳолатини ва фаолият юритиш самарасини ўрганиб чиққанда алоҳида минтақа бўйича қаралиши керак бўлган айрим муаммоларнинг аниқланиши бирмунча қийин кечади. Шу сабабдан алоҳида минтақа бўйича кичик бизнес ва инфратузилма ўртасидаги алоқадорлик, ўзаро таъсир ва ундаги муаммолар тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқ бўлиб қолади. Шундан келиб чиқиб, Минтақа кўламида кичик бизнесни ривожлантиришда инфратузилма фаолияти самарадорлигига эришиш йўллариини ҳал этиш орқали ҳар бир ҳудуд ёки Минтақанинг лозим бўлган чора-тадбирларнинг ққлланиши ёрдамида мамлакат миқёсида жорий этиоувчи ислохотларнинг самарали ижросига эришиш мумкин, деб

ҳисоблаймиз. Мамлакатда яратилган инфратузилма кичик бизнесга хизмат кўрсатади, уни моддий-техник ва хом ашё ресурслари билан таъминлаб боради. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунига ва Ҳукумат қарорларига мувофиқ улгуржи ва биржа савдосини қайта ташкил этиш ва ривожлантириш, шунингдек кичик бизнес объектларининг моддий-техник ресурслар билан таъминлашни эркинлаштириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Аукцион савдоларини ташкил этиш мақсадида 2005 йили улар учун махсус юқори ликвидли маҳсулотлар - металл маҳсулотлари, пахта шроти ва кунжара, суюлтирилган газ ажратилган. Ҳисобот йилида аукционларда бу маҳсулотлардан 8,9 млрд. сўмлик (2004 йилда – 2,1 млрд. сўм) сотилган. Маҳсулотларни биржа ва аукционларда сотилганда ресурсларни олиш учун барча корхоналар, уларнинг ҳудудий жойлашуви ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, бир хил имкониятга эга бўладилар. Биржа ва аукцион савдолари давомида бозор нархлари талаб ва таклифга қараб шаклланади ва кўпинча корхона бевосита сотув учун таклиф этаётган улгуржи нархларидан юқорироқ бўлади. 2005 йилда хусусий тадбиркорлар томонидан кўчмас мулк биржалари орқали 9,6 млрд сўмлик 12,5 мингта объект сотилган. 2004 йилга нисбатан ўсиш миқдори бўйича 12,9% ни ва нархлари бўйича 68,8% ни ташкил этди. Уй-жой қурилиши ва ёрдамчи хўжаликлар учун 490,3 млн. сўмлик 7,4 минг ер участкалари сотилди. Биржа ва ярмарка савдоларида хусусий сектор субъектларига моддий-техник ресурслар сотуви ҳажми жорий йилда 178,4 млрд. сўмни ташкил қилди. Тадбиркорлар ишлаб чиқарган 166,2 млрд. сўмлик маҳсулот сотилди. Шу ҳисобда Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржасида тадбиркорлар томонидан 129,4 млрд. сўмлик моддий-хом ашё ресурслари сотиб олинди, 113,1 млрд. кичик бизнес субъектлари маҳсулотлари сотилди. Агросаноат биржасининг айнаи шу кўрсаткичлари мос равишда 26,5 ва 26,8 млрд. сўмни, Ўзулгуржисавдо ҳудудий бўлимларида – 12,4 ва 11,3 млрд. сўмни, Ўзкўрғазмасавдода – 10,2 ва 15 млрд. сўмни ташкил этди. Республика ҳудудларида мини технологиялар ва ускуналар, шунингдек

кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг кўчма кўргазмалари ташкил этилган. Ўтган йили Тошкентда «Ўзкўргазмасавдо» ОАЖ ва Савдо-саноат Палатасининг Ҳиндистон тадбиркорлари Палатаси ҳамкорлигида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи, текстиль, босмахона (полиграфия), ўраш-қадоқлаш, қуйиш ва бошқалар бўйича 70 дан ортиқ номдаги ускуна ва мини технологиялар намойиш этилган "SAVERS MINITECH International expo Tashkent 2005" кўргазма савдоси ўтказилди. Республика Товар-хом ашё биржасида Хитой маҳсулот ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорликда текстиль саноати учун технологик линиялар кўргазмаси ташкил этилди. Инфратузилма – хизмат кўрсатиш соҳалари мажмуаси бўлиб, таркибан ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмаларини ўз ичига қамраб олади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бозор инфратузилмасини бирданига яратиб бўлмайди, у анча узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, бунинг учун юксак маҳоратга эга малакали кадрлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар ҳам, аҳоли ҳам хўжалик фаоиятининг янги шаклларига руҳан мослашиши талаб этилади. Бозор инфратузилмаси яратилар экан, у ҳамиша ривожланиш ва мураккаблашиб бориш билан ҳаёт бўлиб туради ҳамда шунинг воситасида ўзининг аҳамияти ва зарурлигини билдириб туради.

Бугунги кунда кичик бизнес корхоналарининг ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб берувчи, турли хизматлар кўрсатувчи инфратузилма объектларининг зарурлиги табиий ҳол бўлиб, бу ҳолатни, асосан, қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

1. Кичик бизнес корхоналарининг миқёси жиҳатидан чекланганлиги, ўз навбатида, улар молиявий имкониятларининг ҳам нисбатан чекланишига олиб келади. Ривожланишнинг дастлабки босқичида турган аксарият корхоналарнинг молиявий ресурсларини муқобил тақсимлаш муаммоси ўта кучли тус олади. сарфланаётган ҳар бир сўмнинг самара келтириш даражаси тадбиркорнинг бевосита назоратида бўлади. Шундан келиб чиқиб, кичик бизнес корхоналари эҳтиёжига кўра, тқрли и шва хизматларнинг

ихтисослашган корхона ва ташкилотлар томонидан арзон ва сифатли бажарилиши молиявий ресурсларни самарали ишлатиш йўналишларидан бирига айланади.

2. Кичик бизнес корхоналари ташкилий-бошқарув жиҳатидан табақалашмаган содда тузилмага эга бўлиб, ундаги ходимлар ҳам, одатда, бир неча вазифаларни уйғунлаштирган ҳолда бажаришга мажбур бўладилар. Масалан, йирик корхоналарда махсус ташкил этилган режалаштириш, лойиҳалаштириш, реклама ва маркетинг, товарларни сотиш каби бўлимлар мавжуд бўлса, кичик корхоналарда бундай ихтисослашган тузилмаларнинг амал қилиши самарадорлик нуқтаи назаридан ўзини оқламайди.

Йирик корхоналардан фарқли ўлароқ, кичик бизнес корхоналарининг ҳаёт цикли барқарор бўлмай, статистик маълумотларга кўра, дастлабки беш йил мобайнида уларнинг ярмидан кўпроғи ўз фаолиятини турли сабаблар туфайли тўхтатадилар. Бу эса, юқорида таъкидлаб қўганимиздек, яна кичик бизнес соҳасини қўллаб-қувватловчи махсус инфратузилмаларнинг фаолияти билан боғланади.

3. Кичик бизнес корхоналари, ўз табиатига кўра, хавф-хатар, таҳликага асосланиб фаолият юритади.шунга кўра, мазкур фаолият билан шуғулланишни барча ҳам бирдай истайвермайди. Ёки бирон-бир тажриба, кўникма, махсус тайёргарликсиз бу ишга бел боғлаганларнинг аксарият қисми биринчи ўринишдаёқ муваффақиятсизликка юз тутати. Бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, таъсир кучини камайтириш, одатда, кичик бизнес фаолиятини суғурталаш, ҳар томонлама етук, замонавий билимга эга мутахассисларни тайёрлаш орқали амалга оширилади, яъни суғурта компаниялари. бизнес-инкубаторлар, бизнес-мактаблар ёрдамига ва шу кабиларга таянилади. Демак, кичик бизнес инфратузилмасини етарли даражада ривожлантирмай туриб, кичик корхоналар фаолиятини юксалтириш борасида сезиларли ўзгаришларга эришиб бўлмайди.

Бугунги кунда Ўзбекитонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг бозор инфратузилмаси барпо

этилган. Инсониятнинг ҳамиша янгилик ва олдинга интилишлари жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзига таъсир кўрсатиши иқтисодий ривожланишнинг бугунги даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни юксалтириб бориш учун унинг инфратузилмавий асосларини такомиллаштириш бориш ҳамда самарадорлигини оширишга эришиш йўллари излаб топиш заруриятини яратади. Бу эса инфратузилмавий ислохотларни чуқурлаштириш ва янада такомиллаштиришнинг аҳамиятини орттиради.

Умумий ҳолатда инфратузилма муассасаларининг асосий мақсади ахборот, маслаҳат, ўқитиш, башорат-таҳлил, илмий-техника, суғурталаш, молиявий (кредит ресурслари) хизматлар кўрсатиш билан таъминлаш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ижобий шарт-шароитлар яратиш ва амалга оширишдан иборат.

Шу ўринда, кичик бизнес корхоналарининг инфратузилма объектлари билан таъминланганлик даражаси ҳолати ҳам эътиборга молик масала ҳисобланади. Чунки ҳар бир тадбиркорнинг атрофида унга керак бўлган иш ва хизматларни бажариб берувчи ташкилотлар қанчалик кўп бўлса, унинг иш самарадорлиги ҳам шу қадар юқори бўлади.

Шуни ҳам назарда тутмоқ лозимки, кичик бизнес субъектларининг инфратузилма объектлари билан таъминланганлик даражасини ўрганишда уларнинг республика ҳудудлари бўйича жойлашувини аниқлаш муҳим ўрин эгаллайди. Чунки турли ҳудудларда инфратузилма объектларининг турлича миқдорда тақсимланганлиги мазкур ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларининг ривожланишига ўзига хос таъсир кўрсатади. Шу сабабдан кичик бизнес инфратузилмалари объектларининг кичик бизнес корхоналари сонига мутаносиб равишда ташкил этилишини ҳамда уларнинг жойлашган жойига яқин масофалардан ўрин олишини таъминлаш кичик бизнеснинг янада тез ва фаол ривжланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу эса ҳар бир минтақа нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда инфратузилма ривожини ўрганиб

чиқиш ҳамда ундаги муаммоларни шу хусусият билан кўриб чиқиш катта ўрин тутди.

Минтақавий инфратузилма тармоқлар ва фаолият турларининг бир бутун тизими бўлиб, унинг вазифаси шу Минтақа ҳудудида кичик бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришдир. Қоидага кўра, инфратузилманинг ўзи даромад келтирмайди. Унинг ташкил этилиши ва самарали фаолият кўрсатиши давлат маблағи ва фондлар ёки маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Инфратузилманинг таркиби доимий бир хил бўлмайди. У Минтақанинг ўзига хос хусусиятларига асосланади. Минтақанинг ихтисослашуви ва жойлашувига боғлиқ бўлади. Инфратузилманинг таркибида: молиявий муассасалар, банклар, маслаҳат марказлари, реклама, ҳуқуқий хизматлар, транспорт воситалари ва йўллар хизмати, сув, газ ва электр билан таъминлаш, тозалаш иншоотлари хизматлари, алоқа хизмати бошқа хизматларга қараганда кўпроқ учрайди.

Бу эса кичик бизнес инфратузилмасида зарурий турли хил хизмат кўрсатиш объектларини яратиш ва уларнинг етарли таъминланганлик даражасини оширишга эришиш талабини орттирадики, пировардида, улар, албатта, кичик бизнес соҳасининг ривожланиш даражасининг юқори бўлишига имкон яратади.

Кичик бизнесни самарали молиялаштиришнинг инфратузилмавий шартларини яратишда мазкур соҳани самарали молиявий қўллаб-қувватловчи институтлар ўрни каттадир. Бу молиявий институтларни иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш фонди, Бандлик фонди каби бюджетдан ташқари фондлар киради. Иккинчи гуруҳга хусусий секторга ўз ҳисобидан ҳам, халқаро молиявий институтлар ҳисобидан ҳам молиявий ёрдам кўрсатувчи тижорат банкларини киритиш мумкин. 2004 йилда энг йирик бюджетдан ташқари фонд бўлган Бизнес фонднинг фаолияти етарли даражада самарали эмас деб топилиб, давлат томонидан тўхтатиб қўйилгани

учун хусусий секторни институтционал ва молиявий қўллаб-қувватлаш вазибалари Уздабйркорбанкка юклатилди. Ўзбекистонда хусусий тадбйркорликни ривожлантириш бозор инфратузилмаси ва унинг институтционал шартларини яратиш бевосита Хукумат қарорлари ва конунлари орқали амалга ошириалид. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси иктисодиётида хусусий сектор улуши ва аҳамиятини кескин ошириш тўғрисида»ги 25 апрель 2003 йилдаги Фармонининг асосий мақсади давлатнинг улуши 25 фоиздан ошмаган фаолият юритаётган акциядорлик компанияларидаги давлат улушини сотиш ҳисобига янги хусусийлаштириш дастўрини амалга ошириш, бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнига давлат аралашувини камайитириш ҳисобига корпоратив бошқарувни эркинлаштириш, хусусий секторни ривожлантиришга қаратилгандир. Ушбу фармонда акционерлик жамиятлари низом жамғармасида 25 фоиз ва ундан кам бўлган давлат улушини сақлаб туриш ҳоллари мақсадга мувофиқ эмас деб топилди ва уни имтиёзли равишда хусусий секторга сотилиши кўрсатилди.

Давлат мулк қўмитасига 2003-2005 йилларда низом жамғармасидаги давлат улуши 25 фоиз ва ундан кам бўлан хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг давлатга тегишли акциялари пакетини фонд бозорларида босқичма-босқич сотиш топширилди. Бунга кўра чекланган ёки қўшимча маҳсулиятли жамиятлар қатнашчилари сони 50 юридик ва жисмоний шахслардан ошмаслиги лозим. Жисмоний шахсларнинг хусусийлаштирилган корхоналар асосида яратилган хўжалик ва ўртоқлик жамиятлари акциялари (улушлари)дан дивиденд кўринишида олган даромадлари 5 йил давомида солиқлардан озод қилинди.

Айтиб ўтиш жоизки, мазкур Фармоннинг кучга кириши билан давлатнинг бошқарув қарорлари қабул қилиш жараёнига аралашувчи сезиларли даражада камайди.

Амалга оширилган таҳлилларимиз натижаси шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда республикамизда хусусий сектор субъектларининг салмоғи

ошиб бориши кузатилмоқда. чунончи, мустақилликнинг дастлабки йилларида кичик тадбиркорлик субъектларининг жами корхоналар сонигаги улуши 10% атрофида бўлган бўлса, 2005 йил 1-январь ҳолатига кўра, кичик ва ўрта тадбиркорлик корхоналари ҳисобига корхоналарнинг 89,6% тўғри келди. Бироқ, ялпи миллий маҳсулотни яратишда йирик корхоналарнинг ҳиссаси ҳамон юқоридир. Ривожланган давлатлар иқтисодиётига назар ташласак, хусусий секторнинг катта салмоққа эга эканлигини кўриш мумкин. Масалан, АҚШда ялпи маҳсулотнинг 40 фоизи шу ерда яратилади ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг деярли 50 фоизи хусусий секторда машғулдир. Саноати ривожланган бошқа мамлакатлар, масалан, Японияда жами корхоналарнинг 77 фоизи, товар экспортининг 40 фоизи, Италияда жами корхоналарнинг 90 фоизидан ортиғини, Англияда 96 фоизи, АҚШда 91,1 фоизи корхоналарни хусусий сектор субъектлари ташкил этмоқда.

Инфратузилма иқтисодий тизимнинг амал қилиш самарасини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Унинг ёрдамида хўжаликмуносабатлари тикланади ва ривожланади, хўжаликюритишнинг янги шакллари вужудга келади ва кенгайиб боради, ижтимоий-иқтисодий фаоллик ортади ва хўжаликалоқаларидаги мақсадлар таъминланади, иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқлари ўртасидаги боғлиқлик ва таъсир кўрсатиш самараси ортади ва такомиллашади. Буларнинг барчаси бозор инфратузилмаси фаолият юритишининг амалдаги ҳолати ва ривожланиш даражасига бевосита боғлиқдир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг янги ва замонавий шакллари яратишда инфратузилманинг ўрни катта. Янги корхоналарнинг пайдо бўлиши, кенгайиб бориши инфратузилмавий ҳолат таъсирида мавжуд корхоналарнинг ривожланиши натижасида орттирилган катта фойдани ҳам самарали ишлатиш мақсадида янги хўжалик шакли ёки турини яратиш, унинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришга интилишни кучайтиради.

Бунинг натижаси ўлароқ, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш хажмининг кенгайиб бориши, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши муносабати билан кичик бизнес субъектларининг янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этишга, маркетинг, консалтинг, ҳуқуқий, аудиторлик хизматларини кўрсатиш, лойиҳа-смета ишларини бажариш, транспорт, алоқа хизматларини кўрсатиш, бозор конъюнктурасини ўрганиш хизматларига ва бошқа инфратузилма хизматларига эҳтиёжи ортиб боради.

Инфратузилманинг хизмат кўрсатиш таркибий қисмлари, асосан, йирик шаҳарларда фаолият кўрсатади. кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун республикамизнинг вилоят ва туман марказларида ҳам информацион-ҳисоблаш хизмати ва маркетинг марказлари ташкил этилиши лозим. Улар клиринг, биржа, нотариал хизмати, адвокатлик хизмати, консалтинг ва инжиниринг компаниялари хизмати, ахборот, реклама ва унча катта бўлмаган объектлар қурилиш ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа-смета бюрolari, ер қурилиш режалари, бозор конъюнктурасини ўрганиш хизматларини олиб боришлари лозим булади.

Умуман олганда, республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш учун бозор инфратузилмаси барпо этилган. Лекин бу мазкур соҳадаги ишлар силлик кечаяпти, дегани эмас. Шунини тан олиши керакки, мазкур инфратузилма ҳали ҳам кичик бизнес субъектларининг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини қондира олмаяпти. Шу боис бу борадаги мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш чора-тадбирларини кўриб ўтиш фойдали бўлиши мумкин. Бунда:

- биринчидан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга барча тадбиркорларнинг билим ва тажрибалари етарли даражада эмаслиги, шунингдек уларни ахборот ва маслаҳат хизматлари билан таъминлаш тизимлари фаолиятининг такомиллашмаганлиги тўсиқ бўлмоқда. кўпинча, жойларда қишлоқ тадбиркорларига зарур бўлган ташкилий-услубий ёрдамлар кўрсатилмаяпти. Уларни ўқитиш ишлари яхши

ташкил этилмаяпти. Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлинмаларида ташкил этилган хўжаликҳисобидаги ахборот-маслаҳат марказларининг вазифаларини такомиллаштириш, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш, яъни таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш, бизнес-режалар тузиш, кредит олишга аризалар бериш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини ташкил этиш, аудиторлик текширувларини ўтказиш ва бошқа консултацияон хизматлар кўрсатишда кўмаклашиш лозим. Шунингдек, марказлар бошқа муҳим масалаларни ҳам ҳал этиши лозим. Буларга қуйидагилар киради:

- уларни ҳуқуқий маслаҳатлар билан ўз вақтида таъминлаш;
- уларнинг солиқ, молия, банк ва бошқа тузилмалар билан бўладиган узаро алоқаларида кўмаклашиш;
- кичик бизнес инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосномасини тайёрлашда ёрдам кўрсатиш ва ш.к.

Иккинчидан, кичик бизнес субъектларининг моддий-техника ресурсларидан, ҳом ашё ва материаллардан фойдалана олиш имкониятларини кенгайтириш. кичик бизнес корхоналари асбоб-ускуналар, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишларида бир қанча муаммоларга дуч келмоқда. Чунки бу уларнинг «чўнтаги»га тўғри келмайди. Лизинг эса бу каби масалаларни ҳал қилишнинг энг самарали воситаларидан биридир. Унинг ғоят муҳим томони шундаки, у молиявий ресурслар чекланган даврда корхоналарнинг маблағ тежаши асосида машина ва асбоб-ускуналарни қисқа муддат ичида олишга ёрдам беради. Айниқса, молиявий ресурсларга эга бўлмаган кичик бизнес субъектларига лизинг жуда ҳам қўл келади. Лизинг фирмаларини тижорат банклари қошида тузиш ва бошқа ҳудудларда лизинг фирмаси шахобчаларини очиш кичик бизнес корхоналарини техника ресурслари билан таъминлашга имкон беради. Бундан ташқари, юқорида таъкидланган масалани ҳал этишда майда улгуржи савдо ва сервис хизмати тармоғи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Биз сервис ҳақида гапирганда, кўпинча, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини тушунамиз. Аслида сервис анча мураккаб соҳа. У хизмат кўрсатиш билан боғлиқ барча

муаммоларни ўз ичига қамраб олади. Японияда сервис бутун бир ташкилий, иқтисодий, психологик, этик масалалар мажмуини ҳал этишни англатади. Шу боис кичик бизнес корхоналарига сервис хизматларини кўрсатиш кўламини кенгайтириш орқали юқоридаги масалаларни ҳал этиш фойдали бўлиши мумкин.

Учинчидан, кичик бизнес корхоналарининг ташқи бозорга чиқишида бир канча муаммоларнинг мавжудлиги. Хусусан, экспорт шартномаларининг Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида рўйхатдан ўтказиш ва божхона органларида ҳисобга олиш жараёнларининг мураккаблигидир. Шунингдек, кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқаришни режалаштириш ҳамда товарлар ва хизматларни чет элга сотишда ёрдам кўрсатиш борасида самарали тизим ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи органи ваколатига кичик тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг умумий тамойиллари, устувор йўналишлари ва усуллари белгилаш ҳам киради. Шу муносабат билан бу орган томонидан кейинги йилларда кичик корхоналарни давлат томонидан республика даражасида қўллаб-қувватлаш соҳасидаги чора-тадбирлар белгиланганлиги, кичик тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг дастурлари ишлаб чиқилганлиги ҳамда амалга оширилганлиги, уларни аксарият ҳолларда бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан қоплаш билан боғлиқ бўлган ишларнинг амалга оширилганлигини алоҳида қайд этиб ўтмоқ лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига унинг инфратузилмавий таркиби ва ҳолати, мазкур тузилманинг тараққиёт даражаси, ундаги мавжуд муаммоларнинг ўз ечимини топаётганлиги кабилар асосий ўрин эгаллайди. Бунда инфратузилмавий ислохотнинг аҳамиятини шу билан изоҳлаш мумкинки, агар 2004 йилнинг 1 январь ҳолатига иқтисодиётимизда жами рўйхатдан ўтган корхоналар сони бўйича қаралганда, мавжуд бўлган 283,9 мингта корхонанинг 263,8 мингтаси, яъни 92,9 фоизи кичик бизнес соҳасидаги корхоналар ҳисобланади. Мазкур ҳолатда,

жумладан, қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлган корхоналар сони 125,0 мингтани ташкил этиб, шуларнинг 121,2 мингтаси эса айнан кичик бизнес субъектлари ҳисобланади. Шу сабабли ҳам кичик бизнесни ривожлантиришда инфратузилманини ўрни ва аҳамияти муҳимки, шу жиҳатдан ҳам мазкур масалага жиддий эътибор қаратмоқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожининг муҳим асосларидан бўлган инфратузилма ҳолатини яхшилаш, уни такомиллаштириб бориш мамлакат ислохотлари тизимида асосий ўрин эгаллаб турган вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда кичик бизнес фаолиятини самарали молиялаштириш кўп жиҳатдан бу соҳанинг ривожланиши учун яратилган институтчионал қулайликлар ва имкониятларга бевосита боғлиқдир. Бу дегани мамлакатада кичик бизнесни қўллаб-қувватловчи барча институтларни, шу жумладан молиялаштиришга бевосита алоқаси бўлмаган тадқиқот, консалтинг, бошқарув новаторлиги бўйича ёрдам кўрсатувчи институтларнинг иш фаолиятини яхлитликда олиб қараш тушинилади. Бундай ёндашув жуда катта аҳамиятга эгадир, чунки айнан илмий-тадқиқот ва консалтинг компаниялари кичик бизнес ривожланиши инфратузилмавий жиҳатларини белгилаб беради. кичик бизнесни молиялаштиришни инфратузилмавий жиҳатларини ўрганишда нафақат молиялаштириш институтлари, балки кичик бизнесга билвосита таъсир характериға эға бўлган бошқа институтларни мужассамликда олиб ўрганишимиз кўзланган мақсадға кутилмаган хатоларға йўл қўймаган холда эришиш имконини беради. Зеро кичик бизнеснинг ривожини молиявий ёрдамдан ҳам кўра, унга яратиладиган мухит, кўрсатиладиган консалтинг хизмати, ҳамда мўлжалланилаётган режалар макро ва микро даражадаги тенденциялардан келиб чиқиб, ўзини оқлаш даражасини олдиндан аниқлашда кўмаклашувчи махсус тадқиқотлар ўтказувчи ташкилотларни ёрдамиға кўпроқ боғлиқдир.

2.2. Ижтимоий инфратузилма ва ободонлаштиришни ривожлантириш

Давлат бюджети ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиш жараёнида давлатнинг жамиятдаги вазифаларини бажариши учун мақсадли равишда шакллантирилган марказлаштирилган пул фонди бўлиб ва мамлакатда яшочи барча аҳолининг молиявий манфаатларини ўзида ифода этади.

2.2.1-жадвал

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби

Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил	
	миллиард сўм	фоиз да	миллиард сўм	фоиз да	миллиард сўм	фоиз да
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	13733	100	16991	100	21571	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари	8 113	59,1	10112	59,5	12513	58
Иқтисодиёт харажатлари	1 573	11,5	1952	11,5	2372	11,0
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	825	6,0	950	5,7	1059	4,9
Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фондига ажратмалар					264	1,2
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	352	2,6	472	2,7	629	2,9
Фуқароларнинг ўзини бошқариш органлари	119	0,9	152	0,9	191	0,9
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	54	0,4	57	0,3	70	0,3
Бошқа харажатлар	2 692	19,6	3290	19,3	4471	20,7
Давлат бюджетининг режалаштирилган тақчиллиги	-616		-812		957	
ЯИИМга нисбатан	-1,0фоиз		-1,0фоиз		1фоиз	

фоизда						
--------	--	--	--	--	--	--

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда янада ижобий ўзгаришларни таъминлашга, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдорини изчил ошириб бориш каби ижтимоий соҳадаги тадбирларни молиялаштириш билан бирга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга оширишга йўналтирилмоқда.

2.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат бюджети харжатлари таркибида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қуватлаш харажатлари жами харжатларнинг 58-60 фоизини ташкил этмоқда. Иқтисодиёт харажатлари эса 2010 йилда 11,5 фоизни 2012 йилда эса 11 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Марказлаштирилган инвестицияларни бюджетдан молиялаштириш учун 2010 йилда 825 миллиард сўм, 2011 йилда 950 миллиард сўм, 2012 йилда эса 1059 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган. Бу ўз навбатида ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизация қилиш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш билан боғлиқ йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда бюджет инвестицияларининг ҳам аҳамияти юқорилигидан далолат беради.

2012 йилги бюджет сиёсатида Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш фондига 264 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Бу ҳам ўз навбатида таълим ва тиббиёт муассасаларини модернизация қилиш орқали таълим ва солиқни сақлаш бўйича хизматлар сифатини янада юксалтириш, пировардида аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва турмуш фаровонлигини юксалтиришда давлат бюджети алоҳида аҳамиятга эга бўлаётанини тасдиқлайди.

2.2.2- жадвал

**Давлат бюджетида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-
куватлаш харажатлар таркиби**

Кўрсаткичлар	2010 йил		2011 йил		2012 йил	
	миллиард сўм	фоиз да	миллиард сўм	фоиз да	миллиард сўм	фоиз да
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	13733	100	16991	100	21571	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш харажатлари, жами	8 113	59,1	10112	59,5	12513	58
таълим	4 635	33,8	5890	34,6	7223	33,4
соғлиқни сақлаш	1 704	12,4	2217	13,0	2820	13,0
маданият ва спорт	160	1,2	194	1,1	226	1,0
илм-фан	84	0,6	111	0,6	140	0,6
ижтимоий таъминот	59	0,4	74	0,4	93	0,4
оилаларга ижтимоий нафақалар	1 432	10,4	1582	9,3	1899	8,8

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари фаолияти учун харажатлар жами харажатлар таркибида 2010 йилда 2,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу харажатлар 2,9 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти учун

харажатлар кейинги йилларда жами бюджет харажатларининг 0,9 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

Юқоридаги жадвалда бюджет харажатлари бюджет сиёсатининг асосий йўналишларини ўзида ифода этиб, унда табиий равишда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари устувор экани кузатиш мумкин. Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари асосан таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, илм-фан, ижтимоий таъминот ва ижтимоий нафақалардан ташкил топган. Буни қуйидаги жадвал маълумотлари мисолида кўришимиз мумкин.

Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари таркибидаги таълим харажатлари 2012 йилда жами бюджет харажатларининг 33,4 фоизини ташкил этиши кўзда тутилган. Ушбу харажатлар 2011 йилда 34,6 фоизни ташкил этди.

2011 йилда ҳам бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва ижтимоий нафақаларнинг изчил равишда ошириб борилиши давом эттирилди. Жумладан, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи 1,25 баробар оширилиб, бунга қўшимча равишда 1,1 триллион сўм сарфланди.

2.2.3- жадвал

Давлат бюджетининг иқтисодиёт харажатлари таркиби

Кўрсаткичлар	2011 йил		2012 йил	
	миллиард сўм	фоиз да	миллиард сўм	фоиз да
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	16991,1	100	21571,7	100
Иқтисодиётга ажратилган харажатлар	1952,1	11,5	2372,0	11,0
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари	648,8	3,8	766,9	3,5
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган уерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондида мақсадли ажратмалар	184,5	1,1	210,0	0,9

Ҳосилдорлиги паст уерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжалкларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар	140,0	0,8	160,0	0,7
Бошқа харажатлар	978,8	5,7	1235,1	5,7

Давлат бюджетидан иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун харажатлар 2011 йилда 1952 миллиард сўм, 2012 йилда эса 2372 миллиард сўмни ташкил қилиши кўзда тутилган. Ушбу харажатлар таркибида Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотлари томонидан истеъмол қилинадиган электр-энергияси тўловлари 2012 йилда жами харажатларнинг 3,5 фоизни, суғориладиган уерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондига мақсадли ажратмалар 0,9 фоизни, ҳосилдорлиги паст уерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи фермер хўжалкларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар 0,7 фоизни, бошқа харажатлар 5,7 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Умуман, давлат бюджетидан иқтисодиёт харажатлари асосан қишлоқ ва сув хўжалиги тармоғида фаолият юритувчи хўжалик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Шу орқали аграр тармоқда фаолият юритувчи корхоналарни ва хусусан, фермер хўжаликларининг барқарор фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Мамлакатимизда ислохотларнинг дастлабки давридан бошлаб ижтимоий соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Тараққиётнинг ўзбек модели – биз танлаган стратегик йўлнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири ҳам унинг кучли ижтимоий сиёсат юритиш масаласини уетакчи ўринга қўйгани билан бевосита боғлиқдир. Маълумки, ўзбек моделининг ўзаги – рационал мағзини ташкил этадиган машҳур беш тамойилдан бири ҳам айнан кучли ижтимоий сиёсат олиб боришни назарда тутди.

Айтиш жоизки, мустақиллик йилларида (1991-2011 й.) Ўзбекистон аҳолисининг сони 7,4 миллион кишига, яъни ўртача йилига 389,1 минг кишидан кўпайди. Ўтган қарийб 20 йил мобайнида республикада аҳоли сони – 1,35, шаҳар аҳолиси – 1,73, қишлоқ аҳолиси эса 1,1 марта кўпайди. Айни вақтда ана шу даврнинг турли босқичларида мамлакатимизда шаҳар ҳамда қишлоқ даражасида аҳоли сонининг кўпайиш суръати ҳар хил бўлганини кузатиш мумкин (7.1.1-жадвал).

2.2.4-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси (минг киши)*

Кўрсаткичлар	Йиллар					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариши	
	2007	2008	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Жами аҳоли сони	27072, 2	27533, 3	28001, 4	28453, 7	29123, 3	2051,1	107,5
Шундан:							
Шаҳар аҳолиси	9584,6	9758,3	14327, 8	14618, 4	14897, 4	5312,8	155,4
Қишлоқ аҳолиси	17487, 6	17775, 0	13673, 6	13835, 3	14225, 9	-3261,7	81,3

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари

2.2.4-жадвал маълумотларининг таҳлили 2007-2011 йиллар давомида жами аҳоли сонининг 2051,1 минг кишига ёки 7,5 фоизга кўпайганини кўрсатади. Бироқ кўрилаётган даврда юртимизнинг шаҳар ва қишлоқ жойларида аҳоли сонининг ўсиш суръатлари бир меъёрда кечмаган. Жумладан, 2011 йилда 2007 йилга нисбатан шаҳар аҳолиси сони 55,4 фоизга кўпайган бўлса, қишлоқ аҳолиси эса 18,7 фоизга камайган. Шу билан бирга, бу даврда жами аҳоли таркибида шаҳар аҳолисининг улуши 35,4 фоиздан

51,2 фоизга ортган, қишлоқ аҳолисиники эса 64,6 фоиздан 48,8 фоизга камайган. Кўриниб турибдики, республикада аҳолининг шаҳарлашув жараёни кучаймоқда. Қишлоқ аҳолиси сонининг камайгани эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий-худудий тузилишини такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги 68-сонли қарорига кўра мамлакатимиздаги 966 та қишлоқ пунктига шаҳарча мақоми берилгани билан изоҳланади.

Юртимизда жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган пухта ўйланган демографик сиёсат натижасида демографик жараёнларда ижобий тенденциялар кузатилмоқда (7.1.2-жадвал).

7.1.2-жадвалдан кўриниб турганидек, 1995-2011 йилларда туғилганлар сони 1,3 фоизга камайган, бироқ бу кўрсаткични 2008 йилга нисбатан таққослайдиган бўлсак, туғилиш 9,9 фоизга кўпайганини кўриш мумкин.

2.2.5-жадвал

Ўзбекистонда демографик жараёнлардаги ўзгаришлар (минг киши)*

Кўрсаткичлар	Йиллар					2011 йилда 1995 йилга нисбатан ўзгариш	
	1995	2008	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Туғилганлар сони	678,0	608,9	646,1	651,3	669,6	-8,4	98,7
Ўлганлар сони	145,4	137,4	138,8	133,6	138,4	-7,0	95,2
Никоҳ қурганлар сони	168,9	254,2	250,2	272,0	292,3	123,4	173,0
Ажралишлар сони	28,5	19,4	18,3	17,8	17,6	-10,9	61,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Республикада умр кўриш давомийлигининг узайиши аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхшиланиши, соғлиқни сақлаш тизимида замонавий технологияларнинг жорий қилиниши, даволаш масканларининг замонавий ускуналар билан жиҳозланиши, бу соҳада юқори малакали кадрлар тайёрлаш

ва қайта тайёрлаш ҳамда соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлашга эътиборнинг катталиги туфайли Ўзбекистонда сўнгги йилларда аҳоли ўртасида ўлим ҳолатларининг нисбатан пасайиб бораётгани кузатилмоқда. Жумладан, 2011 йилда юртимизда ўлганлар сони 1995 йилга нисбатан 7,0 минг кишига ёки 4,8 фоизга қисқарган.

Шу билан бирга, кўрилатган даврда никоҳ қурганлар сонининг ортгани, аксинча, ажралишганлар сонининг кескин камайгани ижобий демографик жараён ҳисобланади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими ёрдамга муҳтожларга, хусусан, кўп болали, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 437-сонли қарорига асосан вояга уетмаган (16 ёшгача болалари бўлган, шунингдек, академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим олаётган 16 ёшдан 18 ёшгача болалари бўлган) оилаларга нафақа ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан тайинланади ва тўланади (2.2.6-жадвал).

2.2.6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида вояга уетмаган фарзандлари бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ҳолати*

Кўрсаткичлар	Йиллар					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариш	
	2007	2008	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Нафақа олувчилар сони, мингта оила	1591,5	1588,3	1585,1	1581,9	1266,8	- 324,7	79,6
2-18 ёшгача	32,7	30,6	28,7	26,9	20,7	-12,0	-

фарзанди бўлган оилалардан нафақа олувчилар улуши, фоизда							
Ўртача ойлик нафақа миқдори, минг сўм	26,0	34,8	46,6	56,9	78,4	52,4	301,5

**Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.*

2.2.6-жадвалдан кўриниб турганидек, 2007-2011 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида вояга уетмаган фарзандлари бўлган оилалардан нафақа тайинланган оилалар сони 324,7 мингтага ёки 20,4 фоизга камайган. Бу даврда 2-18 ёшгача фарзанди бўлган оилалардан нафақа олувчилар улуши 32,7 фоиздан 20,7 фоизга камайган. Бироқ таҳлил қилинаётган даврда вояга уетмаган фарзандлари бўлган оилаларга тайинланган ойлик нафақа миқдори 26 минг сўмдан 78,4 минг сўмгача ёки 3,01 марта ортган.

Юртимизда ишламаётган оналарни ижтимоий ҳимоя қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 33-сонли қарорининг қабул қилингани бунинг яққол исботидир. Унга кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ишламаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинланади ва тўланади.

Бола парваришlash учун нафақа, парваришлайётган болалар сонидан ва нафақа олувчи шахснинг меҳнат стажидан қатъи назар, ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдорида тўланади (2.2.7-жадвал).

2.2.7-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида ишламаётган оналарга 2 ёшгача
фарзандни парвариш қилиш бўйича нафақа тайинлаш ҳолати***

Кўрсаткичлар	Йиллар					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариш	
	2007	2008	2009	2010	2011	+,-	фоиз
Нафақа олувчилар сони, мингта оила	750,9	689,6	633,3	581,6	486,2	- 264,7	64,7
2 ёшгача фарзанди бўлган ишламаётган оналардан нафақа олувчилар улуши, фоизда	61,3	54,3	48,1	42,6	33,0	-28,3	-
Ўртача ойлик нафақа миқдори, минг сўм	42,5	56,6	75,3	99,0	128,4	85,9	302,1

** Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.*

2007-2011 йилларда юртимиз бўйича ишламаётган оналардан 2 ёшгача фарзандни парвариш қилиш бўйича нафақа олувчилар сони 264,7 мингтага ёки 35,3 фоизга камайган. Шу билан бирга, бу даврда 2 ёшгача фарзанди бўлган, ишламаётган оналардан нафақа олувчилар улуши 61,3 фоиздан 33 фоизга камайган. Бироқ, кўрилаётган даврда 2 ёшгача фарзанди бўлган ишламаётган оналарга тайинланган ойлик нафақа миқдори 42,5 минг сўмдан 128,4 минг сўмга ёки 3,02 марта кўпайган (7.1.4-жадвал).

Аҳолининг ижтимоий муҳофазага энг мухтож қатламларидан бири – бу кам таъминланган оилалардир. Кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги **“Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя**

қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги 434-сонли қарорида кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби баён этилган. Унга кўра, кам даромадли оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган. Бундай моддий ёрдам оилага 3 ой муддатга тайинланади ва энг кам иш ҳақининг ўша вақтда амалда бўлган 1,5 баробаридан 3 баробари бўлган миқдорда белгиланади.

Статистик маълумотларга қараганда, Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган оилалар улуши йил сайин камайиб бормоқда.

2.2.8-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш ҳолати*

Кўрсаткичлар	Йиллар					2011 йилда 2007 йилга нисбатан ўзгариш	
	2007	2008	2009	2010	2011	+, -	фоиз
Моддий ёрдам олувчи оилалар сони, мингта	221,0	214,5	208,2	202,1	165,4	-55,6	74,8
Жами оилалар сонига нисбатан моддий ёрдам олувчилар улуши, фоизда	3,3	3,2	3,1	3,0	2,4	-0,9	-
Ойлик моддий ёрдам миқдори, минг сўм	12,0	12,1	56,9	72,4	93,2	81,2	776,6


* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

2.2.7-жадвалда изоҳланганидек, 2007-2011 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси бўйича моддий ёрдам олган кам таъминланган оилалар сони 221 мингтадан 165,4 мингтага ёки 25,2 фоизга камайган. Бошқача қилиб айтганда, кўрилатган даврда жами оилалар сонига нисбатан моддий ёрдам олган оилалар улуши 3,3 фоиздан 2,4 фоизга камайган. Бу даврда тайинланган моддий ёрдамнинг ойлик миқдори 12 минг сўмдан 93,2 минг сўмгача ёки 7,76 марта кўпайган.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар, айниқса, охириги йилларда халқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб боришини таъминлади.


Юртимизда кечаётган ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул маблағлари, ўртача номинал ва реал иш ҳақи миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендия кўрсаткичларини яққол намоён этмоқда (2.2.1-расм).

Расмдан кўриниб турганидек, аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 2017 долларни ташкил этди. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи эса, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йилнинг январь ойида 1162,6 долларга уетди.



2.2.1-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, ХҚП бўйича АҚШ доллари ҳисобида (йил бошига нисбатан).

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориш, халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда, яъни 2011 йилда 1991 йилга нисбатан АҚШ доллари қийматида 2,7 баробар, ўртача пенсия ҳажмининг эса 5,9 баробар ошишини таъминлади.



2.2.2-расм. Аҳоли пул даромадлари дифференцияси даражаси.

Пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар аҳоли барча катламларининг ўртача даромадларининг ўсиб боришида муҳим омил бўлди. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни акс эттирадиган Жини коэффиценти 1991-2011 йилларда 0,40 дан 0,29 га пасайди, бу эса иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатлардаги ўртача кўрсаткичга мос келади (2.2.2-расм).

Аҳоли фаровонлиги ўсишининг муҳим таркибий қисми хизмат кўрсатиш ва хизмат турларига нисбатан ошиб бораётган талабнинг таъминланиши билан боғлиқдир. Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури ижроси даврида – 2007-2011 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол ҳажми 1,8 баробар кўпайди. Шу билан бирга, бу даврда хизмат бозори таркибини такомиллаштириш борасида қабул қилинган изчил чора-тадбирлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган банк, молия ва суғурта хизматининг янги истиқболли турлари жадал ривожланишини таъминлади ва улар ушбу давр мобайнида 3 баробар ўсди.


Аҳоли тўлов қобилиятининг ортиши кўрсатилаётган пулли хизматлар ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан 1992 йил билан қиёслаганда, 2,2 баробар, маиший хизматлар бўйича эса 8,3 баробар ўсишини тақозо этди, шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси, биринчи навбатда, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдосининг ўсиши ҳисобидан 4,3 баробар ошди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шарт-шароит яратди. Мазкур ислохотлар натижасида 1991-2011 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари 8,6 баробар ошди.

Ялпи даромадлар таркибида шу давр мобайнида мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар кўринишидаги янги даромад турлари пайдо бўлди.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши ҳаётимизда тобора ҳал

2.2.3-расм. Жамият таркибида ўрта қатламнинг улуши.



қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш имконини берди (2.2.3-расм).

Расмда келтирилган маълумотларга кўра, 1990 йилда ўртача даромадга эга бўлганлар аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда, уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига кўра, бу кўрсаткич 24 фоизга уетгани аён бўлди. 2011 йилда эса 62 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган.

Оиланинг ялпи даромадлари ошиб бориши билан бир вақтда юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароит яратилди.

Агар 1991 йилда аҳоли даромадларининг бор-йўғи 46-48 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ресурслари билан таъминланган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 75 фоиздан ошди. Шу билан бирга, 2011 йилда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1991 йилга нисбатан

6,7 баробар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса 1,4 баробар ўсди (2.2.9-жадвал).

2.2.9-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ялпи харажатларининг таркиби, фоизда

Кўрсаткичлар	1991 й	2001 й	2010 й	2011 й
1. Жами харажатлар таркиби	100,0	100,0	100,0	100,0
улардан:				
истеъмол харажатлари	81,1	84,3	78,4	78,1
Истеъмолдан ташқари харажатлар (солиқлар, аъзолик бадаллари ва бошқа мажбурий тўловлар)	7,1	6,9	6,2	6,0
пул омонатлари ва жамғармалар	11,8	8,8	15,4	15,9
2. Жами истеъмол харажатлари	100,0	100,0	100,0	100,0
шу жумладан:				
озик-овқат маҳсулотлари учун	58,3	59,8	49,8	49,5
ноозик-овқат маҳсулотлари учун	31,5	26,8	33,7	33,8
хизматлар учун тўловлар	10,2	13,4	16,5	16,7

Жадвалдан кўриниб турганидек, 1991-2011 йиллар давомида жами харажатлар таркибида истеъмол харажатларининг улуши 81,1 фоиздан 78,1 фоизга, истеъмолдан ташқари харажатлар улуши 7,1 фоиздан 6,0 фоизга қисқарган, аксинча, пул омонатлари ва жамғармалар улуши 11,8 фоиздан 15,9 фоизга ортган. Шу билан бирга, оилаларнинг истеъмол харажатлари макротаркиби ҳам оптималлашиб бормоқда: озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар улуши барқарорлашиб, хизматлар учун харажатлар улуши ортиб бормоқда. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиб бораётган давлатлар учун хосдир.

Иқтисодиёт вазирлиги маълумотларига қараганда, 1991-2011 йилларда нон ва нон маҳсулотларининг истеъмоли камайган, аксинча, қолган озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмоли ортган (2.2.10-жадвал).

2.2.10-жадвал

Ўзбекистон Республикасида асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиниши (аҳоли жон бошига, килограмм ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Йиллар				2011 йилда 1991 йилга нисбатан фоизда
	1991	2001	2010	2011	
Нон ва нон маҳсулотлари	170	167	160	158	92,9
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	31	34	38	39	125,8
Сут маҳсулотлари	183	162	239	242	132,2
Тухум (дона)	97	47	138	140	144,3
Сабзавот ва полиз экинлари	107	128	238	241	225,2
Картошка	29	36	45	47	162,0
Ўсимлик ёғи ва бошқа мойлар	12	12	13	13	108,3
Шакар	12	16	17	18	150,0
Мева, жумладан, узум	23	42	83	85	369,5

Ўзбекистонда аҳоли сони 1991-2011 йиллар мобайнида 38,2 фоиз ошганига қарамасдан, жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 25,8 фоизга ортди, жумладан, сут ва сут маҳсулотлари 32,2 фоиз, тухум 44,3 фоиз, сабзавот 2,2 баробар, картошка 1,6 баробар, мева 3,7 баробар ва шакар 1,5 баробар ўсди. Айни вақтда истеъмол таркиби анча сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш ҳисобидан ўзгармоқда. Бунда углеводларга бой озиқ-овқатларни (биринчи навбатда, нон ва нон маҳсулотларини) истеъмол қилишнинг барқарорлашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сони, тури ўнлаб баробар ошди.

Юртимизда озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолининг ортиши билан бир қаторда асосий уенгил саноат маҳсулотларининг истеъмоли ҳам кўпайиб бормоқда (2.2.11-жадвал).

2.2.11-жадвал

Асосий уенгил саноат маҳсулотларининг аҳоли томонидан истеъмол қилиниши, аҳоли жон бошига (йил бошига нисбатан)

Кўрсаткичлар	1991 й	2001 й	2010 й	2011 й
Матолар, жами (метр)	7,1	5,6	9,7	10,0
шу жумладан:				
Пахта толасидан тайёрланган газламалар (метр)	2,2	2,2	2,9	3,0
Жун газлама (метр)	0,3	0,3	0,7	0,8
Зиғир толасидан тўқилган матолар, шойи, ипак газламалар (метр)	1,8	3,2	4,6	4,7
Аралаш матолар	0,7	-	1,5	1,5
Устки кийимбоп трикотаж (дона)	0,6	1,1	2,5	2,6
Ички кийимбоп трикотаж (дона)	0,9	1,6	3,5	3,6
Чарм пойафзал (жуфт)	1,6	3,2	3,4	3,5
Пайпоқ маҳсулотлари (жуфт)	3,7	6,0	6,7	6,7

Аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган ноозиқ-овқат маҳсулотларнинг катта қисми илгари республикамызда ишлаб чиқарилмас, балки четдан келтирилар эди. Жумладан, телевизорлар, кир ювиш машиналари, электр чангютгичлар, уенгил машиналар 100 фоиз, газмолларнинг қарийб 40 фоизи, барча турдаги оёқ кийим ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотларнинг 30 фоизи четдан олинйб келинарни.

Мустақиллик йилларида юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг анча фаол ўсиши асосан 2000 йилдан сўнг, мамлакатимизда уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган шарт-шароитлар босқичма-босқич яратила бошланганидан кейин кузатилди.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз саноати аҳолининг сифатли мебель, гилам маҳсулотлари, уенгил автомобилларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлай олади. Юртимизда телевизорлар, кондиционерлар ва экологик хавфсиз музлатгичлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Трикотаж маҳсулотлари, оёқ кийимлар тайёрлаш ва уенгил саноатнинг бошқа тармоқлари юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Агар 2000 йилга қадар, ўтиш даврининг объектив шарт-шароитлари туфайли, аҳолининг асосий ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва таъминоти пасайган бўлса, сўнгги ўн йилликда бу борадаги кўрсаткичларда барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Бу жараёнда уй хўжаликлари эскирган ва ноқулай маиший ва электротехника буюмларидан воз кечиб, янги, замонавий, сифат жиҳатидан эски буюмлардан кескин фарқ қиладиган маҳсулотларни тез сотиб олмоқда.

Қайд этилган даврда мутлақо янги маҳсулотлар пайдо бўлди. Бугун уларни хонадон эгалари катта қизиқиш билан сотиб олмоқда: рақамли телевизор ва фотоаппаратлар, сунъий йўлдош антенналари ва мобиль телефонлар, DVD плеерлар, компьютер ва унга қўшимча қурилмалар, ноутбуклар ва бошқа электрон техникалар, қурилиш материалларининг янги турлари, қадоқлаш буюмлари ва бошқа рўзгор ашёлари шулар жумласидандир. Шуниси эътиборлики, хонадонларнинг замонавий маиший ва электротехника билан таъминланиш суръатлари юртимизнинг барча ҳудудларида бир маромда, мутаносиб тарзда ўсиб бормоқда (2.2.12-жадвал).

2.2.12-жадвал

Аҳолининг узоқ муддатли фойдаланиладиган товарлар билан таъминланиши

(ҳар 100 хонадонга тўғри келадиган товарлар сони)


Кўрсаткичлар	2001 й	2010 й	2011 й
Телевизорлар	88	132	133
Музлатгич ва музхоналар	86	99	101
Кондиционерлар	11	18,5	19,1

Электро чангютгичлар	30	37	38
Шахсий компьютерлар	0,2	12	14
Фотоаппарат ва видеокамералар	21	24	25
Видеомагнитофон, видеоплейер ва DVD плейерлар	31	64	66
Кир ювиш машиналари	69	75	76
Мобиль алоқа воситалари	18	145	149
Ўртача ҳар 1000 нафар аҳолига тўғри келадиган автомобиллар сони, бирликда	38,9	51,5	51,7
Ҳар 100 та хонадонга тўғри келадиган автомобиллар сони, бирликда	20,1	27,1	27,2


Тадқиқот натижаларига кўра, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган буюмлар билан таъминланиш бўйича мамлакатимизда юксак даражага эришилган. Буни ҳар 100 хонадонга 133 та телевизор, 101 та совутгич, 66 та DVD плейер, 149 та мобиль телефон тўғри келиши тасдиқлайди.

Аҳолининг харид қобилияти, яъни унинг ойлик маош ва пенсия ҳисобидан энг зарур истеъмол маҳсулотларининг сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжларининг таъминланиши сезиларли даражада яхшиланиб бораётганини акс эттиради. Ўртача ойлик маош харид қобилиятининг ўсиш динамикаси, минимал истеъмол савати билан қиёслаганда, ҳозирги вақтда 7,2 баробар ошди (2.2.4-расм).

Аҳолининг жамғарма маблағлари истеъмол бюджетининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Юртимизда 1995-2010 йилларда аҳоли омонатлари ҳажми барқарор ошиб борди. Айниқса, юқори ўсиш суръатлари 2000-2010 йилларга тўғри келади, бу даврда мазкур кўрсаткич 28,6 баробар ошган. Ҳозирги вақтда, сўров натижаларига кўра, мамлакатимиздаги қарийб барча хонадон соҳиблари банкларда ўз жамғарма маблағлари – омонатларига эга.



2.2.4-расм. Ўртача ойлик иш ҳақининг харид қобилияти (минимал истеъмол саватчасига нисбатан, марта ҳисобида).



2.2.5-расм. Аҳоли жамғармаларининг 1995 йилга нисбатан ўсиши.

Бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб боргани сайин аҳолининг ялпи харажатлари таркибида янги йўналиш – тадбиркорлик фаолияти учун харажатлар йўналиши пайдо бўлди. Уларнинг улуши ҳозирги пайтда 8,5 фоизни ташкил этмоқда. Ўз моҳиятига кўра, бу усул оила хўжалигининг асосий капитал учун маблағ жамғаришнинг самарали шакли бўлиб, хусусий мулк асосида ўз даромадларини шакллантириш ва кўпайтириш имконини беради.

2012 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислом Каримов «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги

маърузасида таълим соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширган ишлар ҳақида алоҳида тўхталди. Ўтган йиллар мобайнида юртимизда умумий ўрта таълимдан бошлаб ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълимгача бўлган бўғинларда чуқур билим ва пухта касб-хунар тайёргарлигига эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олган яхлит узлуксиз таълим тизимини шакллантириш ишлари изчил давом эттирилди¹¹.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейинги 20 йил ичида халқимиз ўзининг мард ва донишманд раҳбари бошчилигида асрларга татиғулик улкан ишларни амалга оширди. Мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ва миллий маънавият соҳаларида туб ислохотлар туфайли юртимизда обод ва эркин фаровон ҳаёт асослари барпо этилди.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари қуйидаги ҳужжатларда белгилаб берилди ҳамда улар базасида энг муҳим йўналиш ва натижалар ижроси таъминланди.

I. Таълим тўғрисидаги қонун (1992 йил 2 июль). Мутақил давлатимиз раҳбарияти, энг аввало, ишни таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратишдан бошлади. Собиқ иттифоқ таркибига кирган республикалар ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда «Таълим тўғрисида»ги Қонунини тасдиқлади. Бу дастуриламал ҳужжатда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими, унинг бошқарув таркиби, педагог ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулияти аниқ белгилаб берилди. Бинобарин, бу муҳим давлат ҳужжатининг қабул қилиниши таълим соҳасида амалга ошириладиган барча ислохотларнинг муқаддимаси ҳамда ҳуқуқий кафолати эди¹².

¹¹ Ислон Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Т.: Ўзбекистон, 2012, 15-бет.

¹² Йўлдошев Ж. Таълимимиз истиклоли йўлида. – Тошкент: Шарқ, 1996. 4-5-бет.

II. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 йил 8 декабрь). Асосий қонунимиз Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда, ёшлар онгига сингдиришнинг ҳуқуқий асосларини ўзида ифода этган. Конституция барча фуқаролар қатори ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг кафолатларини ҳам ўзида акс эттиради. Жумладан, унинг 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир». 45-моддасида «Вояга уетмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир». 66-моддасида «Вояга уетган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», 117-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар»¹³, деб белгилаб қўйилгани фикримизнинг далилидир. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикаси мустақил, ҳуқуқий демократик, инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Шунингдек, Президентимизнинг 1993 йил 29 декабрдаги фармонида биноан, октябрь ойининг биринчи якшанбаси халқ таълими ходимлари куни (касб байрами сифатида) белгиланди. 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонда эса ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва ёруғ келажак эгалари эканига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб, 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» – умумхалқ байрами ҳамда дам олиш куни деб эълон қилинди.

III. «Таълим тўғрисида»ги (1997 йил 29 август) қонун (янги таҳрири) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Президентимиз Ислом Каримов

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон, 2010. 9-10,13,31-32-б.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясидаги (1997 йилда 29 август) «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги нутқида 1991-1997 йиллар давомида мамлакатимизда амалга оширилган таълим-тарбия тизимидаги ислохотларни танқидий баҳолади. Собиқ иттифоқ даврининг охирида 11 йиллик ўқув тизимига ўтдик. 11 йиллик тизим таркибан 3 қисмга бўлинади: бошланғич таълим – 4 йил, тўлиқсиз ўрта таълим – 9 йил ва ниҳоят, 2 йиллик тўлиқ ўрта таълим... Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак... Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади.

Президентимиз 9-синфни тугатаётганларнинг кейингийўли – тақдири қандай бўлиши зарурлигини пухта асослаб берди. «Республикаимизда тахминан 5миллион 200 минг мактаб ўқувчисидан 9-синфни битаётганлар 450минг нафар болани ташкил қилади... Маълумотларга қараганда, уларнинг 250минг нафарга яқини, яъни 55 фоизи 10-синфда ўқишни давом эттирар экан, тахминан 100минг нафари ҳунар-техника ёки махсус ўқув юртларига кириши мумкин. Қолганлари эса - гап 100минг нафар болаларимиз ҳақида кетяпти – ҳисоб-китоб бўйича, умуман кўчада қолмоқда»¹⁴. Шу боисдан ҳам 1997йил 29августда бевосита Президентимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилинганида катта маъно бор. Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.¹⁵

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга уеткизиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари

¹⁴ Ислон Каримов. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Тошкент: Шарқ, 1998. 3-19-б.

¹⁵ Президент Ислон Каримовнинг «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Т.: O'zbekiston, 2012. – 5-бет.

даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизimini барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида ушбу фармон билан «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Ўзбекистонда таълим республика ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-маданий ҳаётининг энг муҳим йўналишидир. Таълимнинг ҳуқуқий асослари мамлакатимиз Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз аксини топган.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари бўлган шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқаришдан иборат бир бутун тизим юзага келди.

Бундан 15 йил олдин қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг биз танлаган «ўзбек модели» - ўз тараққиёт йўлимизнинг таркибий қисмидир... Бу дастур ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама уетук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйди¹⁶.

V. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги 77-қарори. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-қарорига кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 60 кишидан иборат Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Марказ) ташкил этилди.

¹⁶ Президент Ислон Каримовнинг «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи // «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Т.: O‘zbekiston, 2012. – 4-бет.

1998 йилда академик лицей ва касб-хунар коллежлари дастлаб тажриба тариқасида фаолият бошлади. Академик лицейларга барча (9-синф) битирувчиларнинг тахминан 10-15 фоизи танлов асосида қабул қилинди.

Касб-хунар коллежлари учун юқори малакали педагог ва педагог-муҳандислар тайёрлаш бўйича 3 та оталиқ зона (минтақавий) бўйича тегишли олий ўқув юртлари бириктирилди: 1) Бухоро озиқ-овқат ва уенгил саноат технологияси институти; 2) Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети; 3) Наманган муҳандислик-педагогик институтларида кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалий ижросига, шунингдек, бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлаш масаласига бағишланган Ўзбекистон Президентининг ўндан ортиқ фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Хусусан, 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармойиши, 2004 йил 21 майда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги фармонининг қабул қилиниши миллий таълим ривожига янги тарихий босқични бошлаб берди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига уетказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди. Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга, замонавий касб-хунарга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш яқунланмоқда¹⁷. Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий экани қонунларимизда белгилаб қўйилган. 12 йиллик мажбурий таълимдан сўнг ёшларнинг ҳар бири, ўз хоҳишига кўра,

¹⁷ Ислон Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 48-б.

бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши мумкин.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда, биринчидан, янги таълим тизими, иккинчидан, янги авлод кадрларини тайёрлашда таълим соҳасидаги ўзгаришлар, янги касб соҳаларининг пайдо бўлгани ва уларнинг Ўзбекистон шароити, аҳамияти билан боғлиқ жиҳатлари, учинчидан, бунда ҳар бир вилоят, ҳудуд ва минтақанинг хусусиятларини ҳисобга олиш тажрибасининг афзалликлари, тўртинчидан, мамлакатимизнинг олий таълим соҳасидаги 71 та муассасаси тайёрлаб берадиган янги авлод кадрлари, уларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилди.

VI. Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси. 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: *асосий тушунча ва тамойиллар фани* бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги фармойиши Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маъно—мазмунига уйғун тарзда ёш авлодни, комил инсонни шакллантириш, унинг ғоявий ва мафкуравий онгини ривожлантиришга қаратилди. Шунингдек, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Баркамол, комил инсонларни вояга уеткизиш, ёшларнинг онгида мафкуравий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши ҳузурида Республика маънавият тарғибот маркази ҳамда Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий марказлари ташкил топди (2006 йил).

VII. 2002 йил 24 октябрдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги ва 2004 йил 29 августдаги «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

VIII. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 100-сонли Қарори эълон қилинди.

IX. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2004 йил 19 февралдаги 2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармойишига биноан тузилган махсус комиссия томонидан 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва 2004 йил 9 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланди.

X. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона хизмати билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарори мамлакатимизда электрон кутубхонани шакллантириш, ахборот алмашинувининг замонавий шакллариغا босқичма-босқич ўтишда муҳим дастурил амал бўлди.

XI. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги “Мактабгача таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 225-сонли Қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида нодавлат таълим муассасалари тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилди.

XII. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 27 июлдаги «Умумтаълим мактаблари битирувчиларининг академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқишини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилинган 427-қарори натижасида 2009 йили умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари 100 фоиз академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари билан камраб олинишига эришилди.

XIII. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралда «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Қарорда

«Ёшлар йили»да бажарилиши лозим бўлган асосий ва муҳим вазифалар белгилаб берилди ва уларнинг ижроси 9 та йўналишда амалга оширилди.

XIV. Президентимизнинг 2008 йил 1 апрелдаги “Реал иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқлари талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши асосида амалга оширилган ишлар натижасида 2009-2010 ўқув йилининг ўзида ҳудудлардаги 118 та касб-хунар коллежида 62 та ихтисослик бўйича кичик мутахассислар тайёрлаш тўхтатилиб, талаб катта бўлган 90 та мутахассислик бўйича янгидан кадрлар тайёрлашга киришилди. 34 та касб-хунар коллежининг ихтисослиги ўзгартирилди. Ушбу чора-тадбирлар туфайли битирувчиларнинг барчаси иш билан таъминланди.

XV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида»ги 2010 йил 27 январдаги қарори қабул қилинди ва уни амалга ошириш учун 11 та устувор йўналиш ва вазифа белгилаб берилди. Ўзбекистонда аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 62 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ислохотларнинг роли ва аҳамияти ўз-ўзидан тушунарли ва равшан бўлади.¹⁸ Шу боисдан ҳам «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг кўлами ва қамрови 6 та соҳада ўз ифодасини топди (2.2.6-расм).

2.2.6-расм.



¹⁸ Президентимиз Ислон Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарт” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи// Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

XVI. 2010 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Фармонга кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, авваламбор касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича амалий вазифалар белгиланди. Шу боисдан ҳам бугунги кунда микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-хунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда микрофирма ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолат ва ҳуқуқлар сақланиб қолмоқда.

XVII. 2010 йил 2 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1426-сонли қарори қабул қилинди. Натижада 2010 йилнинг 1 декабридан олий ўқув юртларидаги 2 ва 3-курс аспирантлар стажёрлик-тадқиқотчи-изланувчи ва барча докторантлар катта илмий ходим-изланувчи лавозимига ўтказилди. Шу асосда 2011 йил 1 январдан бошлаб стажёр-тадқиқотчи-изланувчиларнинг маошлари стажёр-тадқиқотчиларнинг базавий лавозим маошларига, катта илмий ходим-изланувчиларнинг маошлари эса фан номзоди илмий даражасига эга илмий ходимларнинг базавий лавозим маошларига тенглаштирилди.

XVIII. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори (2010 йил 10 ноябрь, ПҚ-1432-сон)га асосан Таълим ва тиббиёт

муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ташкил этилди.

XIX. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан ташқари таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2010 йил 10 декабрь, 291-сон) қабул қилинди.

XX. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майда “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди¹⁹ ва у ўз моҳиятига кўра, олий таълим тизимидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бу қарор олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини мақбуллаштириш, таълим стандартларини такомиллаштириш ҳисобидан таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар ва ўқитиш шакллари жорий этиш, ўқитувчи кадрлар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш асосида иқтисодиёт соҳа ва тармоқларида талаб қилинадиган олий маълумотга эга мутахассисларни тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган.

Дастурда юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор берилган. Бу йўналишда чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган бўлиб, унда юқори малакали кадрларни тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларни мақбуллаштириш ҳамда давлат таълим стандартлари (ДТС)ни янада такомиллаштириш назарда тутилган. Шунга кўра, мазмуни бўйича турдош мутахассисликларни қўшиб

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори// Халқ сўзи, 2011 йил 20 май, № 100 (5267).

юбориш, шунингдек, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳаларда эҳтиёж қолмаган мутахассисликларни ёпиш ҳисобидан 2016 йилга қадар олий таълим бакалаврият босқичи йўналишларининг сони 228 тадан 165 тага, магистратура босқичининг мутахассисликлари эса 1200 тадан 500 тага камайтирилди.

Дастур ижроси доирасида инжиниринг, ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳалари бўйича қабул квотаси босқичма-босқич оширилиб, бу йўналишларда таълим олаётган талабаларнинг умумий сони амалдаги 23 фоиздан 2015-2016 ўқув йилида 36 фоизга уетказиш кўзда тутилган. Бу йўналишларга ажратилган давлат гранти ўринлари эса ўртача 5-10 фоизга кўпаяди. Шунга тенг равишда “таълим” “иқтисодиёт ва бизнес”, “ҳуқуқ” ҳамда ижтимоий-гуманитар соҳаларга тегишли таълим йўналишларида қабул квотаси ва грант ўринлари, аксинча, камайиши кутилмоқда²⁰.

XXI. 2011 йил 13 апрелда қабул қилинган “Ахборот кутубхона фаолияти тўғрисида”ги қонун зиё масканлари ишини ислоҳ этиш, уларни давр талаба асосида йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда. Ахборот-кутубхона тизими фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган ислоҳотлар юртдошларимиз учун кўплаб қулайликлар яратиб берди.

XXII. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш тўғрисида”ги Қарори (2011 йил 21 ноябрь, ПҚ-1645-сон) қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида”ги 52-сонли қарорининг қабул қилиниши ҳамда унга кўра, туман халқ таълими бўлимларининг шаклан ва мазмунан ўзгаргани узлуксиз методик хизматни самарали ташкил этишга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

²⁰ Умарова Н. Олий таълимдаги муҳим янгилик (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги илмий-педагогик кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Б.Ражабовнинг шарҳидан фойдаланилди) // Туркистон, 2011 йил 8 июнь.

Юксак тараққийетни таъминлашда «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлаш мумкин:

1. Миллий дастурнинг амалга оширилиши жамиятдаги ижтимоий-сиёсий муҳитга ижобий таъсир кўрсата бошлади.

2. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш жараёнида шахснинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олиши фаоллашмоқда.

3. Таълимнинг миллий моделини амалга ошириш жамиятда эркин фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келмоқда.

4. Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели жамиятнинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш омили сифатида катта аҳамият касб этмоқда.

5. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг моделини амалга ошириш миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида таълим-тарбия жараёнини замонавий босқичга кўтаришга қаратилган бўлиб, бу эса ўз навбатида фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда.

6. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалиётга татбиқ этиш Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этмоқда.

7. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларига ҳамоҳанг бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи баркамол авлодни шакллантиришга қаратилгандир.

8. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор вазифалар ижросини тўла таъминлашга хизмат қилади.

9. Мамлакатимизда таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва таълим ишларининг самарали шакллари ҳамда услублари ишлаб чиқилиб, жорий этилмоқда.

10.Таълим ва кадрлар тайёрлаш борасида таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш, аккредитация қилишнинг самарали тизими юзага келди.

11.Янги ижтимоий-иқтисодий шароитда таълимнинг талаб даражасидаги сифатини, кадрлар тайёрлаш тизимининг амалий самараси ва барқарор ривожланишининг кафолатлари, устувор йўналишларини таъминлайдиган норматив, моддий-техник ва ахборот базаси яратилди.

12. Узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимига бюджетдан ташқари маблағлар, шу жумладан, чет эл инвестициялари жалб этилмоқда.

13. Кадрлар тайёрлаш соҳасида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Тошкентда 2012 йил 16-17 февраль кунлари ўтказилган “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти” мавзусидаги халқаро конференцияда Юртбошимизнинг Ўзбекистонда Таълим соҳасини ислоҳ қилиш, юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш бўйича амалга оширилаётган дастурнинг асосий мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти қисқача баён этилган нутқи халқаро конференция ишида муҳим аҳамият касб этди.

Хулоса қилиб шуни эътироф этиш керакки, мамлакатимизда қабул қилинган барча ижтимоий дастурлар Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашга қаратилган. “Баркамол авлод йили” муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури ҳам мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра, давлатимизнинг юксак мақсадларга эришишининг ишончли кафолати бўлиб, ўз мустақил фикрига эга, мустаҳкам иродали, чуқур билимли, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга уетказиш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

2.3. Ижтимоий инфратузилманинг амал қилиш шакллари ва механизмлари

Умуман иқтисодиётда ҳар бир назарий ва амалий фаннинг ривожланиши ва фан сифатида шаклланишининг зарурий шарт-шароитлари мавжуд бўлиб, бозор инфратузилмаси назарияси фани ҳам иқтисодий ривожланиш муҳим босқичларининг шарти ҳисобланади. Бозор инфратузилмаси назарияси фани ҳозирги кунга келиб иқтисодиётда ташкил топаётган турли мулкчилик шакллари, хўжалик юритувчи субъектларнинг мажбурияти биан боғлиқдир. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт маълум бир томонларининг узвий боғлиқлиги, улар ўртасидаги муносабатларнинг юқори интеграциялашганлиги ҳамда маълум бизнес бирликларининг янгитдан вужудга келиши билан амал қиладиган фаолият турларини тартибга солиш ва фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, бозор инфратузилмасининг реал ҳаётда мавжуд бўлиши уларнинг амалиёт билан боғланганлигини кўрсатиб беради. Шу нуқтайи назардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бозордаги ҳар бир иштирокчи ўзининг инфратузилмасига эга бўлиши ва уларнинг фаолиятига эҳтиёж сезиши, улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ иқтисодий қарашлар мажмуасининг шаклланиши ўз навбатида янги ғояларни ва янги фанларнинг объектига айланади.

Давлат томонидан яратиладиган шароитлар 2 хил усулда амалга оширилади. Булар тўғридан тўғри(бевосита), яъни инфратузилманинг шаклланишига қонунчилик асосида шароит яратиш. Бунда мамлакат ҳукумати томонидан бозордаги- шароитлар ва иштирокчиларнинг муносабатларини давлат ва иқтисодий субъектлар манфаатлари нуқтаи назаридан келиб чиқиб қонунийлаштиради ва уларга шароитлар яратилади. Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтилгандан сўнг жуда кўплаб бундай инфратузилмалар яратилди. Мисол қилиб айтиш мумкинки, бозор иқтисодиёти хусусий мулкчиликнинг бўлишини талаб этди ва унда йирик

давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёни бошланди. Бу эса қуйидаги тўрт хил усулда амалга оширилди:

1) давлат мулкани Акциялар орқали корхонада ишловчиларга таъсимилаб бериш;

2) корхона Акцияларини фонд бозорида сотиш;

3) Акциялар чиқарилиб, давлат ихтиёрида ушлаб ёлиш;

4) чет эллик ҳамкорларга Акцияларини сотиш.

Бу жараёнда албатта фонд бозорларини ташкил этиш ва улар фаолиятини қонунийлаштириш зарурий шароит эди. Ушбу жараёнлар доимий мувофиқлаштирилиб ва такомиллаштирилиб бориловчи жараён ҳисобланиб, Ўзбекистонда жаҳон тажрибасидан фойдаланиб, миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, доимий замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштирилиб бориломқда.

Иккинчи усулни билвосита усул, яъни иқтисодий дастаклар орқали шарт-шароит яратиш орқали амалга оширилиши мумкин. Бунда маълум бир бозор иқтисодиёти иштирокчиларига зарур бўлган янги инфратузилма объектларини ташкил этиш учун шароитлар яратиб берилади. Мисол учун, солиқлар, давлат божлари ва бошқа давлат томонидан ундириладиган тўловлардан қисман ва тўлиқ имтиёзлар бериш ёки тақиқлар қўйиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарларининг айрим турлари ва бошқа шунга ўхшаш бир қанча товарларнинг ишлаб чиқарилиши ёки сотилишини рағбатлантириш ёки таъинилаш мақсадида аксиз ва бошқа солиқлар, тўловлар жорий этилган. Бозордаги инфратузилмани ривожлантиришдаги бу ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг бу борада олиб борилаётган ислохотларни самарали ташкил этиш мақсадидаги амалий ҳаракатларининг кетма-кетлиги ва узвийлигини бозор инфратузилмаси назарияси фанида ўрганилади ҳамда уларнинг натижаларини илмий тадқиқотлар, илмий лойиҳалар ва илмий мақолалар қўринишида ҳавола элиб борилади.

Бозор инфратузилмаси субъектларининг иқтисодий ҳаракатлари устидан алоҳида ҳолларда хулосалар чиқариб бўйнайди, унда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалардаги иқтисодий субъектларнинг ҳаракатлари асосий ўринни эгаллайди. Шунинг учун назарий хулосалар чиқариш учун ҳам амалиётда мавжуд бўлган ҳар бир бозор инфратузилмасининг боғлиқликда амал қилаётган барча иқтисодий субъектлар ва амал қилаётган қонунчиликдан хабардор бўлиш талаб этилади. Шундагина бозор инфратузилмаси назариясида кўрилатган назарий хулосалар амалиётга жонли равишда татбиқ этилиши ва ўз самарасини бериши мумкин.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда бозор инфратузилмаси шаклланиши ва ривожланишининг яна бир хусусиятли томони - бу унинг мамлакатда амалга оширилатган иқтисодий ислохотлар босқичларига мувофиқ ҳолда олиб борилишидир.

Худди шу мақсадда тузилган Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси (1996-йил 12- март), Деъқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси (1998- йил 22- апрел) каби инфратузилманинг таркибий қисмлари мамлакатдаги тадбиркорлик фаолиятини қўллаб - қувватлаш ва мувофиқлаштиришга қаратилди. Шунингдек, бу босқичда бозор инфратузилмасини ривожлантириш аҳолининг молиявий маблағларини самарали сафарбар этиш ва жойлаштиришга таъминлашга йўналтирилган инвестиция ислохотлари орқали олиб борилди. Қисқа муддат ичида тадбиркорларга товар ва моддий бойликлар, Акциялар, кўчмас мулк савдоси, кредит, қимматли қоғозлар чиқариш ва муомаласини ташкил этиш борасида хизмат кўрсатувчи бозор муассасалари тармоғи ташкил этилди

Бу давр мобайнида республикада фаолият кўрсатаётган товар-хонашў биржаларининг савдо айланмаси сезиларли даражада ошди (2.3.1жадвал).

Ўзбекистон Республикаси хом ашё биржасининг 2008 – 2012

йиллардаги айланмаси, млн.сўм

Кўрсаткичлар	Йиллар 2008	2009	2010	2011	2012
Биржанинг савдо айланмаси	20944,1	21101,1	24293,3	42479,7	110193,5
Ширкат хўжалиги халқ истеъмоли товарлари бўйича	15848,9	10707,3	12431,8	25997,3	49275,3
Ишлаб чиқариш — техник ахамиятдаги товарлар бўйича	5095,3	10394,8	11845,2	16456,2	60773,9
Кўчмас мулк бўйича	-	-	16,2	26,2	114,3

Учинчи босқич (2000- йилдан бошлаб давом этмоқда) — бу босқич бевосита ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва эркинлаштиришнинг бошланиши билан боғлиқдир. Ушбу босқичда бозор иқтисодиётига мос муассасалардан ташкил топган мустаҳкам тизим яратиш зарур. «Биз бозор инфратузилмасини, бизнесга хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган унинг барча институтлари - консалтинг, маркетинг, инжиниринг, лизинг, суғурта тизимлари фаолиятини ривожлантиришни устувор вазифа деб биламиз. ...Биз иқтисодиётни бошқаришнинг ўз даврини ўтаб бўлган эски давлат тизими ўрнига бозор иқтисодиёлига мос институтларидан ташкил топган мустаҳкам тизимни тезроқ яратиш тарафдоримиз». Бунинг учун авваламбор, молия ва банк тизими жараёнини фаоллаштириш, бозор инфратузилмаси фаолиятини эркин-лаштириш

бевосита унинг муассасалари ўртасида бозорга хос ҳақиқий рақобат муҳитини яратишни ва шу асосда уларнинг фаолиятини такомиллаштиришни тақозо этади

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов 2011 йил 26 ноябрда “Ўзбекистонда оналик ва болаликни асрашнинг “Соғлом она – соғлом бола” миллий модели” мавзусидаги халқаро симпозиумнинг очилиш маросимида сўзлаган маърузасида таъкидлаб ўтганидек, мустақиллик йилларида юртимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишининг миллий моделини яратишнинг пойдевори бу аввало соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинида 3200 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктларининг ташкил этилиши бўлди.

Президентимизнинг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида қайд этилганидек, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини ушбу тизимнинг долзарб аҳамиятга молик масалаларидан бири бўлиб қолмоқда, шу сабабли республикаимизнинг энг чекка районларида яна 102 та қишлоқ врачлик пункти ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш режалаштирилмоқда.

Юртимизда ўтган давр мобайнида соғлиқни сақлаш соҳасида 14 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 дан ортиқ фармон ва қарорлари ҳамда Ҳукуматнинг 100 га яқин қарори қабул қилинди.

Соғлиқни сақлашни ислоҳ қилиш босқичлари (1990-2011 йиллар):

1. 1990-1998 йиллар – соғлиқни сақлашнинг миллий моделини ривожлантиришга асосларини шакллантириш босқичи; 1998-2003 йиллар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли Фармони – соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича илк Давлат дастурини амалга ошириш босқичи;

2. 2003-2007 йиллар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги ПФ-3214-сонли Фармони - соғлиқни сақлаш тизимида ихтисослаштирилган марказлар фаолиятини ташкил этиш босқичи;

3. 2007-2011 йиллар - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сонли Фармони ва 2 октябрдаги ПҚ-700 сонли Қарори - соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга ошириш босқичи.

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария хизмати кўрсатиш соҳасида мустақиллик йилларида туб ўзгаришлар амалга оширилди.

Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғини:

АВВАЛГИ ТИЗИМ:

- Туман марказий шифохонаси
- Туман шифохонаси
- Қишлоқ участка шифохонаси
- Қишлоқ врачлик амбулаторияси
- Фельдшер-акушерлик пункти

ЯНГИ ТИЗИМ:

- Туман марказий шифохонаси
- Қишлоқ врачлик пункти (ҚВП)

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури доирасида Жаҳон банки инвестициялари жалб қилинган ҳолда, 1998-2011 йилларда “Саломатлик-1” ва “Саломатлик-2” лойиҳалари доирасида юртимиздаги 3192 та ҚВП умумий қиймати 76 миллион доллар бўлган замонавий тиббий асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди.

“Саломатлик-2” лойиҳаси доирасида 570 та стоматологик асбоб-ускуна ҚВП ва кўп тармоқли поликлиникаларга уетказилди. Қишлоқ аҳолисини арзон ва сифатли дори-дармон билан таъминотини яхшилаш мақсадида 811 та ҚВПда ижтимоий дорихоналар ташкил қилинди, 1056 та ҚВПга GSM стандартидаги стационар телефон ўрнатилди ва ҚВПларининг алоқа тизими билан таъминоти 97,7 фоизга уетди.

Манзилли дастурга асосан, 2010 йилда 345 та ҚВП 3,2 миллиард сўм ҳомийлар ва бюджет маблағлари ҳисобидан таъмирланди, 2011 йилда 343 та

ҚВП да 4,6 миллиард сўм маблағ ҳисобидан таъмирлаш ишлари олиб борилди.

Қишлоқ жойлардаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини аҳоли жон бошига молиялаштириш механизмини тадбиқ қилиш натижасида ҚВПларини молиялаштириш 3 баробар ошди, натижада 2011 йилда 2009 йилга нисбатан ҚВПга аҳоли қатнови 1 кишига нисбатан 3,9 дан 4,6 га ошди.

Фарзанд тарбияси юрт тараққиёти, жамият равнақида муҳим аҳамиятга эгадир. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Президентимиз раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни вояга уетқизиш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш, қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий анъана ҳамда кадриятларимизга ҳурмат туйғуларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу жиҳатлар Конституциямизда, қолаверса, “Таълим тўғрисида”ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар ҳамда мазкур йўналишда қабул қилинган бир қатор дастурларда ўз ифодасини топган.

2011 йил 25-26 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида “Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини бошқаришни замонавий талабларга мувофиқ такомиллаштириш: ютуқлар ва ривожланиш истиқболлари” мавзусида икки кунлик халқаро форум бўлиб ўтди. Мазкур форумни ўтқизишдан кўзланган мақсад – болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизими бошқарувининг давлат стратегиясини ҳамда Ўзбекистонда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш юзасидан давлат, жамоатчилик ҳамда қонун чиқарувчи органларнинг фаолиятини кучайтиришни такомиллаштиришдан иборат. Ўтган давр мобайнида юртимизда болалар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш борасида қўлами ва аҳамияти жиҳатидан жуда улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Алоҳида эътибор 14 ёшгача бўлган болалар ва фертил ёшдаги аёллар саломатлигига ва уларда касалликларнинг олдини олиш бўйича тадбирларга қаратилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган “Соғлом она – соғлом бола” дастури умуммиллий ҳаракатга айланди. Мурувват уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкамланиб, таълим-тарбия, соғломлаштириш тизими тобора такомиллашмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилган ислохотлар натижасида эришилган ютуқлар халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланиб келинмоқда. 2010 йилда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўзбек миллий тиббиёт модели бошқа мамлакатларга намуна сифатида тавсия этилди. Буюк Британиянинг “Save the children” (“Болаларни асрайлик”) ташкилоти томонидан 2011 йилда Ўзбекистон 161 та давлат орасида болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ўнта утакчи давлат сафидан ўрин эгаллади.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 21 майдаги “Тез тиббий ёрдам тизими фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги ПҚ-1114-сонли қарорига кўра, 2009-2011 йилларда 698 та махсус автотранспорт сотиб олинди ва тизимнинг автотранспорт билан таъминоти 94 фоизга уетди. Худудлардаги тез тиббий ёрдам машиналари 127 та ЭКГ аппарати, 35 та дефибриллятор ва 30 та сўрғич билан қўшимча равишда таъминланди.

2010 йилда мамлакатимизнинг 130 та туманидаги тез тиббий ёрдам бўлими ва шохобчасида 3,1 миллиард сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. 2011 йилда тез тиббий ёрдам шохобчаларини таъмирлаш бўйича манзилли дастур асосида 1,3 миллиард сўм маблағ режалаштирилди ва 162 та шохобчада таъмирлаш ишлари якунланди.

Юртимизда замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали тиббий хизмат кўрсатадиган 10 та ихтисослаштирилган тиббиёт маркази ташкил этилди.

2011 йил давомида республика ихтисослаштирилган ва илмий-амалий тиббиёт марказларида жами 77945 нафар бемор даволаниб чиқди. Уларнинг 20062 (26,7 фоизи) нафари давлат бюджети ҳисобидан имтиёз асосда даволанган беморлар, 56550 нафари эса (73,3 фоизи) пуллик асосда


2.3.1 – расм




даволанган беморлардир.

Марказларда жами 22408 та операция ва диагностика муолажаси бажарилди, шундан 10664 таси (46 фоизи) – юқори технологиялар асосидаги муолажалардир. Бажарилган операциялар 2010 йилга нисбатан 1752 тага, юқори технологиялар асосидаги операциялар эса 914 тага ошди.

2.3.2-расм. Оналар ўлими кўрсаткичи (ҳар 100 минг онага ўртача).



**2.3.3-расм. Гўдаклар ўлими кўрсаткичи
(ҳар 1000 нафар тирик туғилган болага ўртача).**



Мамлакатимизда эпидемик барқарорликни таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тадбирлар натижасида қатор йиллар давомида аҳоли ўртасида полиомиелит, бўғма, қоқшол касалликлари рўйхатга олинмади. 2002 йилда Ўзбекистон полиомиелит вирусидан холи ҳудудлиги тўғрисида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сертификатиغا эга бўлди. 2010-2011 йилларда Тожикистондаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда, 6 босқичдан иборат полиомиелитга қарши миллий эмлаш кунлари ўтказилди. Бу тадбирлар даврида 20 миллиондан ортиқ 15 ёшгача бўлган болалар ҳамда Сурхондарё вилоятида 25 ёшгача бўлган шахслар эмлашдан ўтказилди.

Республикадаги 53 та туманлараро ОИТС диагностика лабораторияларида таъмирлаш ишлари бажарилди. ОИТСга қарши кураш марказлари ва туманлараро ОИТС диагностика лабораториясида давлат

бюджети ҳисобидан 7,5 миллиард сўмлик замонавий лаборатория-диагностика асбоб-ускуналари ўрнатилмоқда.

2010 йилда 1,5 миллиондан ортиқ шахс ОИВ инфекцияси бўйича текширилди ва бундай тадбирлар 2008 йилга нисбатан 2 марта кўпайди.

Амалга оширилаётган профилактик ва эпидемияга қарши самарали тадбирлар натижасида ўлат, вабо, сариқ иситма, куйдирги, парранда гриппи каби карантин ва ўта ҳавfli юқумли касалликлар, шунингдек, янги А (H1N1) гриппининг юртимиз ҳудудига четдан кириб келиши ва аҳоли ўртасида тарқалиб кетишига йўл қўйилмади.

III боб. Мамлакатни модернизация қилиш шароитида ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва ободонлаштириш ишларини такомиллаштириш

3.1. Ижтимоий инфратузилма объектлари ва ободонлаштириш ишларини кучайтириш

Бугунги кенгайтирилган йиғилишидан бош мақсаддан – келиб чиққан ҳолда, 2012 йилда молия тизими соҳасида йўл қўйилган камчиликларни очик – ойдин муҳокама қилиб олиш ва 2013 йилда олдимизда турган вазифалар юзасидан аниқ-равшан чора-тадбирларни белгилаб олишдан иборатдир.

Шунга биноан маҳрузамнинг биринчи қисмида ўтган йилги маҳаллий бюджет ижросининг якунларига тўхталиб ўтмоқчиман. 2012 йилда Наманган вилояти маҳаллий бюджетининг даромадлари 445 млрд. 296 млн. сўмни, харажатлари 932.0 млрд. сўмни ташкил этди.

Вилоят маҳаллий бюджети учун белгиланган даромад кўрсаткичлари 101.4 фоизга бажарилиб, маҳаллий бюджетларга қўшимча равишда 5.9 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар туширилди.

Бироқ, вилоят бўйича белгиланган бюджет даромадлари прогноз кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилган бўлсада, бюджет параметрларида тасдиқланган даромадлар кўрсаткичлари Мингбулоқ туманида – 93.1%га, Косонсой туманида – 87.2%га, Норин туманида – 92.8%га, Тўрақўрғон туманида – 80.4%га, Уйчи туманида – 92.5%га, Учқўрғон туманида – 89.9%га, Чортоқ туманида – 79.2%га, Чуст туманида - 95.1%га бажарилган ҳолос.

Шунингдек, 12 та шаҳар ва туманлардан 8 тасида 2012 йил 4-чораги учун тасдиқланган режалар даромадлар кўрсаткичлари қайта кўриб чиқилгандан кейин бажарилди.

Даромадлар режаси бажарилмаслиги натижасида бюджетга боқиманда қарздорлик йил бошига нисбатан Учқўрғон туманидан ташқари деярли барча туманларда кўпайган.

Жумладан, Наманган шаҳрида 7 млрд.189 млн.сўмга ёки 178.7%га, Мингбулоқ туманида 695.1 млн.сўмга ёки 156.8%га, Поп туманида 1 млрд 196 млн.сўмга ёки 161.8%га, Уйчи туманида 825.3 млн.сўмга ёки 145.4%га, Янгиқўрғон туманида 972.2 млн.сўмга ёки 162.7%га боқиманда қарздорликлар ўсган.

2012 йилда маҳаллий бюджет жами харажатларининг 100.0 фоизга бажарилиши таъминланган бўлсада, айрим туманларда ушбу кўрсаткич вилоят даражасидан ортда қолган. Жумладан, харажатлар ижроси Мингбулоқ туманида – 99.8%ни, Тўрақўрғон туманида -99.6%ни, Учқўрғон туманида – 99.8%ни, Чортоқ туманида – 99.8%ни, Чуст туманида – 99.8%ни ташкил этди.

Вилоят бўйича дебитор кредитор қарздорликлар юзасидан олинган дастлабки маълумотларга кўра, бюджет мажбуриятлари бўйича кредитор қарздорликлар ҳисобот даври охирига келиб 2012 йил бошига нисбатан сезиларли даражада камайди.

Бироқ, 4-гуруҳ харажатлари бўйича кредитор қарздорликни бартараф этиш учун кўрсатмалар берилишига қарамасдан айрим туманларда ханузгача кредитор қарздорлик мавжуд бўлиб қолмоқда.

Жумладан, ушбу кўрсаткич Поп туманида 10.0 млн.сўмни, Мингбулоқ, Наманган, Чуст туманларида 9.0 млн.сўмни ва Учқўрғон туманида 7.0 млн.сўмни ташкил этмоқда.

Кредитор қарздорлик мавжудлигига қарамай 4-гуруҳ харажатларидан Тўрақўрғон туманида 99.0 млн.сўм, Мингбулоқ туманида 79.0 млн.сўм, Чуст туманида 79.0 млн.сўм, Чортоқ туманида 48 млн.сўм, Уйчи туманида 46.0 млн.сўм молиялаштирилмасдан қолган.

Юртбошимиз томонидан таълим соҳаси муассасаларини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва

масъулиятини ошириш ҳамда муассасалар сонини оптимизация қилиш юзасидан белгилаб берилган вазифалар доирасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жумладан 2012 йил бюджетида вилоятда 12697 та синфларга ҳар бир синфга ўртача 27.87 тадан жами 353841 та ўқувчилар билан тўлдирилиши режалаштирилган бўлиб, умумтаълим мактабларининг моддий-техник ҳолатидан келиб чиқиб, мактаблар штат жадвалларини хатловдан ўтказиш ҳамда кам қувватли мактаблар фаолиятини самарадорлиги ўрганилганда, 354016 нафар ўқувчилар 12691 та синфга тақсимот қилинди ва синфларни ўқувчилар билан тўлдирилиши 27.9 даражага тўғри келди.

Натижада, ўтган йилга нисбатан 303 та, бюджетда режалаштирилган синфга нисбатан 6 та синф қисқартирилиб, иш ҳақидан 1190.4 млн.сўм ва иш ҳақиға ажратмадан 294.7 млн сўм, жами 1485.1 млн сўм маблағлар иқтисод қилинишиға эришилди.

Лекин, ушбу масала юзасидан бир қатор туманларда ишлар етарли даражада ташкил этилмаган. Жумладан синфларни ўртача тўлдириш даражаси ўтган йилги кўрсаткичға нисбатан Косонсой, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Чортоқ туманларида пасайишиға йўл қуйилган.

Бундан ташқари халқ таълими соҳасида мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар бадал тўловларини ундириш ишлари етарли даражада ташкил этилмаяпти.

Жумладан вилоят бўйича ота-оналар бадал тўловидан 64.0 млн.сўм миқдорида кредитор қарздорлик мавжуд бўлиб, асосий қарздорликлар Норин туманида 18.4 млн.сўмни, Уйчи туманида 11.3 млн.сўмни, Наманган шаҳрида 8.3 млн.сўмни, Наманган туманида 5.2 млн.сўмни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2011 йил 29 январдаги 4/1-сонли Хайъат қарорида белгилаб берилган вазифаға асосан, касб-хунар коллежларида текширишлар ўтказилиб, давомат 70 фоиздан кам бўлган 38 та ўрта махсус касб хунар таълими муассасаларида 68 та кам қатновли бир хил йўналишдаги гуруҳларини бирлаштириш ҳисобига уларға ҳисобланадиган

иш хақи ва иш хақиға ажратмалардан жами 162 млн.сўм маблағларни камайтиришга эришилди.

Лекин, ушбу соҳада шаҳар ва туманларда олиб борилаётган ишлар етарли даражада йўлга қуйилмаган. Мисол учун, Наманган шаҳар озиқ-овқат саноати касб хунар коллежининг 49 та гуруҳларида давомат 50 фоиздан камни ташкил этгани ҳолда, 28 та гуруҳларда 10 нафардан кам ўқувчилар ўқув жараёнида қатнашаётганлиги аниқланган. Худди шундай ҳолат Норин маиший хизмат ва компьютер технологиялари касб хунар коллежида 21 та гуруҳларда ўқувчилар қатнови 10 нафардан кам, Янгикурғон компьютер технологиялари ва алоқа касб хунар коллежи 36 та гуруҳларида ўқувчилар қатнови 10 нафардан камни ташкил этди. Ушбу касб хунар коллежларида давомат кўрсаткичи паст бўлишига қарамасдан таълим муассасалари масъул шахслари ҳамда ташкил этилган махсус гуруҳлар томонидан кам қатновли бир хил йўналишли гуруҳларни бирлаштириш ҳамда ўқув юкламаларини камайтириш юзасидан ҳеч қандай таклифлар киритилмаган. Бундай ҳолат эса бюджет маблағларини асоссиз ва мақсадсиз сарфланишига олиб келмоқда.

Ўз навбатида, ҳудудий молия, ғазначилик, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳамда назорат-тафтиш бошқармасининг туманларга бириктирилган ҳисобчи-тафтишчилари касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг таълим жараёнига тўлиқ жалб қилинишини қатъий назоратга олишлари зарур.

Яна бир масала бу – ўзини-ўзи бошқариш органларида нафақаларнинг тўғри тайинланишидир. 2012 йилда ўтказилган текширишлар таҳлили ушбу соҳада ноқонуний харажатларнинг тобора ортиб бораётганини кўрсатмоқда.

2012 йилда ўзини-ўзи бошқариш органларида нафақаларнинг тўғри тайинланиши ва ҳисобланиши юзасидан ўтказилган текширишларда жами 433.8 млн. сўмдан ортиқ ноқонуний маблағлар сарфи аниқланди. Шу жумладан асосий камчиликлар Наманган шаҳрида 49.6 млн.сўм, Косонсой туманида 65.9 млн.сўм, Поп туманида 53.0 млн.сўм, Чортоқ туманида 72.2 млн.сўм, Чуст туманида 47.6 млн.сўм миқдорида аниқланган.

Юзага келган салбий вазиятнинг асосий сабабларидан бири туман ва шаҳар молия бўлимларидаги масъул ходимларнинг кўп йиллардан буён бир жойда ишлаб келаётганлиги ва уларнинг ўз устида ишламай кўйганликларидир.

Жумладан, туман ва шаҳар молия бўлимларида ушбу соҳага масъул бўлган 12 та мутахассисдан 9 таси ёки 75 фоизи 5 йил ва ундан кўпроқ муддат бир лавозимда ишлаб келмоқда. Масалан, Наманган шаҳар молия бўлимидаги масъул ходим ўз лавозимида 15 йилдан буён, ҳудди шундай Мингбулоқ туманидаги масъул ходим 7 йил 6 ой, Наманган туманидаги 8 йил 4 ой, Норин туманидаги 5 йил, Уйчи туманидаги 9 йил, Учқурғон туманидаги 6 йил 1 ой, Янгиқўрғон туманидаги масъул ходим 5 йил 3 ойдан буён ўз лавозимларида ишлаб келишмоқда.

Шу ўринда шаҳар ва туманларда ходимларнинг сифат таркиби тўхталадиган бўлсак, вилоят бўйича олий маҳлумотли кадрлар билан таъминланганлик даражаси 73%ни ташкил этган бўлса, Учқўрғон туманида ушбу кўрсаткич 40.9%, Косонсой туманида 55.0%, Поп туманида 59.1%, Янгиқўрғон туманида 65.2%, Мингбулоқ туманида 69.6%, Уйчи туманида 69.6% ходимлар олий маҳлумотли ходимларни ташкил этади.

2012 йил якунида Молия вазирлигининг буйруғига асосан ҳудудларда ташкил этилган ўрганишлар ҳам кўпчилик ҳудудий молия органларида компьютер техникаси билан таъминланиш даражасининг пастлигини кўрсатди. Шаҳар ва туман молия бўлимларида ходимларнинг компьютер билан таъминланганлик даражаси ўртача 71.9 фоизни ташкил этди. Бироқ айрим туманларда ушбу масалага яъни ходимларни компьютер билан таъминлашга етарли даражада эътибор қаратилмаган.

Жумладан, Мингбулоқ туманида компьютер билан таъминланиш даражаси 56.5%ни, Норин туманида 36.4% ни, Уйчи туманида 59.1%ни, Чортоқ туманида 52.4%ни, Чуст туманида 54.2%ни ташкил этади холос.

Ўрганиш давомида молия бўлимлари маҳмурий бинолари ҳам кўриб чиқилди. Косонсой, Норин, Чуст ва Тўракурғон туманлари маҳмурий

бинолари ҳозирги кунда Молия вазирлиги раҳбарияти томонидан қўйилаётган талабларга жавоб бермайди. Масалан, Норин тумани молия бўлимида ободонлаштириш ишлари амалга оширилмаган, бинога кириш қисмида тозалик ишлари яхши ташкил этилмаган, фасаднинг том қисми ўнг томонига ўрнатилган тўсиқ ҳамда орқа томонида молия бўлимининг ўралган деворлари кўчиб кетган. Чортоқ туманида эса 2008 йилдан молия бўлими янги биноси қуриб битказилмаган.

Ҳукуматимиз томонидан молия органларига қўйилган вазифалардан бири қорамолчилик тармоғини жадал ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, сервис хизматлари сифатини яхшилаш, чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ҳамда сигир ва таналарни сунъий урчитиш бўйича тасдиқланган дастурлар ижроси бўйича 2012 йилда сигир ва таналарни сунъий урчитиш учун 124369 доза насли буқа уруғларини олиб келиш режа топшириғи белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 2013 йил 1 январ ҳолатига 125275 доза уруғ олиб келиниб, режа топшириқ 100,7 фоизга бажарилди.

Шунингдек, вилоят бўйича 96000 бош сигир ва таналарни сунъий уруғлантириш бўйича белгиланган режа ҳақиқатда 2013 йил 1 январ ҳолатига 96103 бош сигирлар сунъий уруғлантирилиб, режа топшириқ 100,1 фоизга бажарилиши таъминланди.

Бироқ, режа топшириқлар ижроси таъминланган бўлсада, олиб келинган насли буқа уруғларидан Чуст туманида 689.0 минг сўм, Норин туманида 603.0 минг сўм, Поп туманида 152.0 минг сўм ва Тўрақўрғон туманида 66.0 минг сўм қарздорликка йўл қўйилган.

Яна бир масала вилоят молия тизими ходимларини аттестациядан ўтказиш натижаларига тўхталадиган бўлсак, вилоят молия бошқармаси ва унинг қўйи тизими ходимларидан 187 нафар ходим аттестация синовидан ўтказилиб, якуни бўйича 139 нафар (74.3%) лавозимга лойиқ, 25 нафар (13.4%) ходим лавозимига шартли лойиқ, 14 нафар (7.5%) ходим лавозимига нолойиқ деб топилди. Бундан ташқари аттестация ўтказиш тўғрисидаги

буйруқ қабул қилинганидан сўнг 3 нафар ходим ўз аризасига асосан ишдан бўшатилади. Шунингдек 9 нафар (4.8%) ходим аттестацияга сабабли катнашмаганлиги учун, уларни бошқа муддатда аттестациядан ўтказилиши белгиланди.

Энди 2012 йилда бюджет интизомига риоя этилиши юзасидан олиб борилган назорат ишларининг самарадорлиги, бюджет ижроси даврида аниқланган хато ва камчиликларга тўхтаб ўтсак.

Назорат-тафтиш бошқармаси томонидан 2012 йилда бюджет интизомига риоя этилиши юзасидан маҳаллий бюджет муассасаларида 678 тадан ортиқ тафтиш ва текширишлар ўтказилди.

Шундан 360 та текшириш ҳужжатлари мансабдор шахсларга қонуний чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилди.

Шунингдек, бюджет интизомининг бузилишига йўл қўйган 92 та айбдор мансабдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда 32.5 миллион сўм миқдорида жаримага тортилди.

Маҳаллий бюджетларда 2012 йил давомида ўтказилган тафтиш ва текширишларда қарийиб 1.7 млрд.сўмдан ортиқ миқдорида бюджет интизомини бузиш, ноқонуний харажатларга йўл қўйиш ҳолатлари аниқланган.

Шундан пул маблағлари ва моддий бойликларнинг камомади, ўзлаштиришлар миқдори 230.1 млн.сўм ни ташкил этди.

Жумладан соҳалар бўйича таҳлил қилинганда бюджет интизомини бузиш, ноқонуний харажатларга йўл қўйиш ҳолатлари халқ таълими соҳасида 628.3 млн.сўмни, ўрта махсус касб хунар таълими соҳасида 394.8 млн.сўмни, соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларида 247.7 млн.сўмни ташкил этди.

Масалан, халқ таълими соҳаси бўйича Чортоқ туман 52-сонли мактабда ишламаган ходимларни тўлов ҳужжатларига киритилиб 3508,8 минг сўм, нақд пулларни ходимларга берилмасдан 938,4 минг сўм ўзлаштиришга йўл қўйилган. Уйчи туманидаги 34-сонли мактабда санокдан ўтказилган моддий

қийматликлардан 1852,6 минг сўм камомадга йўл қўйилган. Учқўрғон туман 7-сонли МТМда 1140,8 минг сўмлик моддий қийматликлардан камомадга йўл қўйилган. Наманган шаҳар 17-сонли мактабда тўлов ведемостларига қўшиб ёзиб 2,0 млн.сўм ўзлаштирилган ва 600 минг сўм моддий қийматликлар камомادي аниқланган. Бундан ташқари Поп тумани 32-сонли умумтаълим мактабида 8,7 млн.сўмлик қурилиш материаларидан камомад аниқланган.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича Наманган шаҳар 6-оила поликлиникаси бош ҳисобчиси ўзига иш ҳақини ортиқча ҳисоблаб 10536,9 минг сўм, 7 нафар ходимларга 7021,5 минг сўм ортиқча иш ҳақи ҳисобланиб ўзлаштиришга йўл қўйилган. Чуст туман Олмос шифохонаси хазинасида ўтказилган йўқламада 1051,1 минг сўм нақд пул камомادي аниқланган. Уйчи туман тиббиёт бирлашмасида 3,9 млн.сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари камомادي аниқланган.

Шунингдек Учқўрғон тумани соғлиқни сақлаш соҳаси ташкилотларида 22137,0 минг сўм иш ҳақи нотўғри ҳисобланиши, 13049,0 минг сўм тариф разрядлар ва устамаларни нотўғри қўлланилиши, 362,0 минг сўм тарификацияга нисбатан сметага ортиқча маблағ киритилиши ҳамда 9756,0 минг сўм бошқа харажатлардан жами 49277,0 минг сўмлик камчиликлар аниқланган. Жумладан туман бўйича жами 16 та қишлоқ врачлик пунктлари мавжуд бўлиб, уларнинг 13 тасида 15081,0 минг сўм иш ҳақи таъриф разрядлари ва устамаларни нотўғри қўлланиши ҳисобига ортиқча харажат қилинган.

Касб хунар таълими соҳасида Янгиқўрғон алоқа ва компьютер технологиялари касб хунар коллежида 29303,7 минг сўм маблағлар пластик карточкага ўтказиш орқали ўзлаштирилган ва 738,2 минг сўм моддий қийматликлар камомادي аниқланган. Мингбулоқ туман Довдук саноат транспорт касб хунар коллежида 11300,0 минг сўм нақд пул ва 4856,6 минг сўм бошқа моддий қийматликлар камомادي аниқланган. Наманган туман қишлоқ хўжалик касб хунар коллежида 1005,9 минг сўм моддий

кийматликлар камомадига йўл қўйилган. Поп туман тиббиёт коллежида нақд пулдан 2050,0 минг сўм ўзлаштирилган.

Шахар ва туманлар бўйича аниқланган молиявий хатоликлар, камомад ва ўғирликлар асосан Наманган шаҳрида 276.6 млн.сўмни, Норин туманида 127.3 млн.сўмни, Тўрақўрғон туманида 168.3 млн.сўмни, Чуст туманида 32.3 млн.сўмни, Учқўрғон туманида 105.5 млн.сўмни ташкил этган.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов 2013 йилга белгилаб берган устувор вазифаларидан, вазиримиз Рустам Содиқович Азимов маҳрузаларидан ҳамда йўл қўйилган камчиликлардан хулоса чиқариб молия тизими ходимларининг вазифаларини аниқлаб олсак мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Биринчидан, Давлат бюджетидан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, стипендиялар, ижтимоий нафақалар ва пенсия тўловларини тўлиқ ва ўз муддатида амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг тижорат банклари томонидан нақд пул билан таъминланиши, бюджет даромадлари ва харажатлари бажарилиши, боқиманда қарздорликларни ўсиши олдини олиш юзасидан қатъий назорат ўрнатиш.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 12 декабрдаги 350-сонли «Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда ижтимоий қўллаб қувватлашга ҳақиқатдан ҳам муҳтож бўлган оилаларни аниқлаш юзасидан амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.

Учинчидан, узоқ йиллардан буён бир лавозимда ишлаётган ходимларни ротация қилиш ва ходимларни жой-жойига қўйиш.

Тўртинчидан, халқ таълими соҳасида синфлар тулдириш режасини бажарилишини, соғлиқни сақлаш соҳасида койка ўрин фондини бажарилишини, касб хунар таълими соҳасида ўқувчиларни давомати мониторингини доимий олиб бориш, паст қатновли гуруҳларни бирлаштириш юзасидан қатъий назорат ўрнатиш.

Бешинчидан, бюджет ташкилотларининг 2013 йил учун харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларини қонунчиликда белгиланган тартибда ўз вақтида ва сифатли қабул қилиш, кўриб чиқиш ва белгиланган муддатларда рўйхатдан ўтказиш.

Кейинги масала бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш юзасидан, молия тизими идоралари самарадорлигини ошириш.

Жумладан:

- Бюджет интизомига риоя этилиши, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан олиб бораётган назорат ишларини янада кучайтириш, қонунбузилиш ҳолатларига мурасасизлик ва қатъиятлик билан курашиш;

- “Ишонч телефон”ларига келиб тушаётган ҳар бир мурожаат ҳамда юборилаётган (шу жумладан тизим ходимлари устидан) аризаларни ҳолисона кўриб чиқилишини, айбдор масъул шахсларга нисбатан кескин жазо чораларини кўриш бўйича тақдимномалар киритиш ва албатта мурожаатчига тегишли жавоб бериш чораларини кўриб бориш вазифалари топширилади.

Бундан ташқари ҳар бир туман ва шаҳар Молия, ғазначилик ва пенсия жамғармаси идораларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш талаб этилади.

Сўзимнинг якунида вилоят молия тизими ходимлари Республика Ҳукумати қарорлари ва Молия вазирлиги кўрсатмаларига қатъий амал қилган ҳолда маҳаллий бюджетнинг сифатли ижросини таъминлаш учун барча имкониятларни ишга солиб, қатъий назорат ишларини амалга оширадилар деб ўйлайман.

3.2. Ижтимоий инфратузилма объектлари ва оодонлаштириш учун қилинадиган харажатлар

Бозор ислохотларининг дастлаки оқичларида асосан пул қадрсизланиши асосида шаклланган ва уларнинг ижтимоий қийинчиликларини артараф этишга мўлжалланган давлат юджети 1991

йилдан ошла иқтисодиётни қайта қуриш омилларидан ирига, макроиқтисодий муносабатларни ошқариш ва молиявий ресурсларни мамлакат иқтисодиётининг устивор йўналишларидан жамлаш воситасига айланди.

Кейинги йилларда давлат бюджетининг ижтимоий инфратузилма объектлари ва ободонлаштириш учун қилинадиган ҳаражатларнинг юджет ҳаражатларини 60 фоиз даражасида арқарорлашди, у ҳол ижтимоий аҳамиятга молия тармоқларини ривожлантириш ва аниқ мақсадга қаратилган ижтимоий тўловларни ошириш йўли билан аҳолининг муҳтож қатламлари ва гуруҳларини давлат тамонидан қўлла – қувватлашни таъминлайди.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети 2010-2013 йиллардаги ижтимоий инфратузилма ва ободонлаштириш соҳа ҳаражатлари 2010 йилда 56% ташкил этган бўлса, 2013 йилда 59,4%ни ташкил этиши режалаштирилган. Яъни 3,4%га ўсиши кутилмоқда. Шунга кўра давлатнинг жорий ҳаражатлари асосан бошқарув аппаратини тутиб туриш ва мудофа қоилиятини кучайтириш каби ҳаражатлар тўпламини ўз ичига олади. Аммо давлат мазкур талаб билан бозорда намоён ўлган даврда қатъий белгиланган аҳо орқали бевосита муомулада бўлади.

Давлат тамонидан трансферт, қайтмайдиган ҳаражатлар ҳам амалга оширилади. Бу асосан талабалар ва ногиронларга ериладиган нафақалар, ҳамда ишсизлик нафақалари ва ҳўжалик ташкилотларига бериладиган дотация ва субвенциялар шаклида намоён ўлади. Шу ўринда айти ўтиш мумкинки, энг кам иш ҳақининг ортиши иқтисодиётда ишсизлар сонининг ортишига ва “баҳо иш ҳақи занжирининг ” таъсирида инфляциянинг кучайишига сабаб бўлади деган фикрлар илгари сурилган

Шунинг учун ҳам кўпгина чет мамлакатларда давлатнинг иш ҳақи борасидаги ижтимоий сиёсатга салбий муносабатда бўлиб келинмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ҳаражатлар таркиби маҳлум ўзгаришларга дуч

келмоқда. Ҳалқ хўжалигига авваламбор марказлашаган капитал қўйилмаларга бюджет ажратмалари жадал қисқартирилмоқда. Хусусийлаштириш дастури ҳаётга тадбиқ этиш муносабати билан давлат корхоналарининг сезиларли қисми кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришни молиявий бозорда жамловчи ўз маблағлари ва ресурслари ҳисобидан амалга оширилиши лозим бўлган акционер жамиятларига айлантирилмоқда. Бироқ, бозор механизмлари жорий этилган шароитда ҳам айрим тармоқ ва ҳудудларни давлат инвестиция дастурларини, давлатнинг ижтимоий секторини молиялаштириш ўзининг муҳим аҳамиятини сақла қолмоқда.

Бюджет ҳаражатларини минимал ҳаражатлар билан максимал самарага эриштириш, бюджет ажратмаларини ишлатилишининг мақсадли хусусияти бюджет маблағларини ишлаб чиқариш кўрсаткичларини бажариш ўлчами ва олдин берилган ажратмалардан фойдаланишни ҳисобга олиб бориш каби тамойиллар асосида молиялаштирилади.

Мазкур назарий хулосалардан келиб чиққан ҳолда, давлат ҳаражатларининг батафсил иқтисодий ставкаларини ва унинг иқтисодий ривожланишига таъсирини, хусусан бозор иқтисодиётининг шаклланишдаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишга имкон туғиладики, бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ҳаражатлар таркибини кўриб чиқишни тақозо этади. Ўзбекистон Республикасида 2013 йилги давлат бюджетининг ижтимоий инфратузилма объектлари ва оёодонлаштириш ишлари учун 59,4% миқдорида белгиланади. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун 8 фоизни ташкил этади. Демак, 2013 йилда республика давлат бюджетидан бериладиган таълим учун қилинадиган ҳаражатларга 35 фоизни сарфлайди. Бюджетнинг барча ҳаражатлари жорий ҳаражатлар ва капитал ҳаражатларига тўғри келади, уларга товар ва хизматларни сотиб олиш давлат хизматчиларининг иш ҳақи учун ажратмалар, ички қарзлар ва давлат ташқи қарзларини тўлаш ва бошқалар киради. Капитал ҳаражатларга асосий фондларга капитал қўйилмалар, капитал қурилиш, капитал таъмирлаш киради.

Ўзбекистон ижтимоий – иқтисодий ривожланишининг молиявий базаси давлат бюджети бўлган муҳим давлат дастурига “Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳам қиради. Республикамизда 2013 йилги юджет тузиш вақтида, биринчи навбатда, республика ижтимоий – иқтисодий ривожланишнинг устивор йўналишлари ҳисобга олинади.

Давлат бюджетининг тўла ҳажмда молиялаштириладиган биринчи навбатдаги харажатларга иш ҳақи, иш ҳақидан ажратмалар, степендиялар, нафақалар, овқатланиш ва дори дармонлар сотиб олиш учун сарфланадиган харажатлар қиради. 2013 йилги давлат бюджетидан ижтимоий –иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришни янада ривожлантириш, ижтимоий инфратузилмани таркибий ўзгаришларни таъминлаш ҳамда ижтимоий сиёсатни амалга ошириш устивор йўналишлар этиб белигланади. Ижтимоий соҳани ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни аниқ йўналишларини давлат тамонидан қўллаб – қувватлаш, маориф соғлиқни сақлаш объектларининг моддий –техника азасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришни молиявий жиҳатдан қўллаб – қувватлаш, иш ҳақини ошириш, кам таъминланган оилаларда моддий ёрдамни қўпайтириш воситасида кучайтирилди.

Агар ислохотларнинг дастлабки босқичида давлат тамонидан пул тўловларни турли имтиёзлар субсидиялар каби бевосита тартибга солиш усуллари орқали кенг қатламларидан олинадиган ижтимоий ҳимоялаш асосий қоида қилиб олинган ўлса, ҳозирги вақтда аҳоли турли қатламларига табақалаштирилган ёндошув ҳамда ижтимоий ёрдам муҳтож оилаларгина кўрсатишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Республиканинг ҳалқаро майдонга чиқариш учун реал шарт – шароитларни яратувчи замонавий иқтисодиётни барпо этиш борасида кенг миқёсидаги муҳим чора тадирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, иқтисодиётни тудан ислоҳ қилиш таркибий ўзгартириш етакчи тармоқларда жадал модернизациялаш, мамлакатни рақобатдошлигини ошириш мақсадида саноат ҳамда бошқа муҳим тармоқлардаги ишлаб чиқаришни

диверсификациялаш натижасида угунги кунда миллий иқтисодиётимизнинг замон талабларига мос келувчи янги қиёфа касб этиб бормоқда.

Кўплаб чора тадбирлар қаторида давлатимиз раҳбари тамонидан иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларини белгилаб берилиши ҳамда уларни изчил амалга ошириш борасидаги махсус дастурларни ишлаб чиқиши катта имкониятларни вужудга келтирмоқда. Президентимиз И.А.Каримов тамонидан мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг бир қатор устивор йўналишлари белгиланиб, улар орасида 2012 йилда энг муҳим устивор вазифалардан бири транспорт ва муҳандислик – коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришни таъминлашдан иборат бўлиб қолиши таъкидла ўтилди.²¹

Дарҳақиқат, инсон тараққиётининг кейинги палласида айниқса йигирма биринчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ижтимоий – иқтисодий ривожланишни таъминлашдаги ролига эътибор кескин кучая бошланди. Айниқса ишлаб чиқариш жараёнларидаги кооперацион ва интеграцион алоқаларининг кучайиши дастлаб миллий иқтисодиёт даражасида ижтимоий ҳаётнинг байналминаллашуви ва глобаллашув жараёнининг кенгайиши эса кейинчалик ҳалқаро миқёсида ҳам ишлаб чиқариш инфратузилмасининг аҳамиятини кескин ошириб юборди.

Бироқ шунга қарамай, иқтисодий фанда анча давргача барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланишига алоҳида ўзига хос омил сифатида етарли эътибор берилмай қўйди. Буни бугунги кунда ҳам кўплаб иқтисодиётга оид дарслик, ўқув қўлланмаларда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг иқтисодий ўсишини таъминлаш омиллари қаторида кўрсатмаслиги орқали ҳам кузатиш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, иқтисодий фанда узоқ вақт давомида ишлаб чиқариш инфратузилмасини иқтисодий фандаги ўрни ва ролига

²¹ “Халқ сўзи” газетаси 2012 йил 20 январь

етарли эътибор берилмаганлиги, унинг ижтимоий –иқтисодий тараққиётга билвосита таъсири орқали изоҳланади. Чунки иқтисодий фанлар ривожининг нисбатан кейинги даврига қадар асосий эътибор иқтисодий ўсишнинг билвосита омиллари(масалан, инвестициялар ҳажмининг ошиши, миллий даромадга жамғариш механизмини кўпайтириш учун, фан техника тараққиёти таъсир этади). Ушбу омилларнинг тўлақонли характери учун шароит яратувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси фаолияти эса эътибордан четда қолди.

Аслида эса миллий иқтисодиёт таркибидаги ишлаб чиқариш инфратузилмаси унинг арқарор ўсиши учун зарур шарт – шароитларни таъминлайди.(– расм)

Энг аввало мамлактада ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари қанчалик юқори даражада ҳамда замонавий талаблар асосида ривожланган бўлса, унга нафақат миллий, балки хорижий инвестициялар ҳам шунчалик жадал ва ишончли асосда кириб келади.

Ижтимоий ёрдам аҳолининг энг кам ҳимояланган табақаларини яъни объектив сабабларга кўра ўзини – ўзи боқа олмайдиган болалар, қариялар, ногиронлар ва ўзларига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишлаб чиқаришда ишламайдиган бошқа шахсларни қўллаб – қувватлаш учун қўлланилади. Ўзбекистон аҳолисининг йиллар бўйича таркиби жадвалда берилган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларнинг Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан камроқ қисмини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш инфратузилмасининг ривожланиш таъсирида иқтисодий ўсиш омилларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш



№	Аҳоли гуруҳлари	Йиллар			
		2009	2010	2011	2012
1	Меҳнат ёшига етмаганлар	42,7	42,6	42,5	41,9
2	Меҳнат ёшидагилар	49,6	49,7	49,5	50,2
3	Меҳнат ёшидан чиқиб кетганлар	7,7	7,7	7,7	7,9
	Жами	100	100	100	100

Бунинг устига ана шу 50,2 фоизининг деярли тўртдан бир қисми ишлаб чиқаришда масъул эмаслигини ҳисобга олсак, ижтимоий соҳа эҳтиёжлари ҳажмини ҳамда иқтимодиётга тушаётган оғирлик даражасини тасаввур қилиш қийин эмас.

Аҳоли орасида болаларнинг кўплиги Ўзбекистон учун хос бўлган бошқа хусусий оилалар катталигидан далолат беради. Республика Меҳнат вазирлиги ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кам таъминлангани учун нафақага муҳтож оилаларнинг 80 – 90 фоизи болали оилалар.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни яхшилаш самарасини кўпайтириш қатор муҳим вазифаларни ҳал этишга боғлиқ экан, аҳолининг даромадларига ва турмуш даражасида асоссиз катта фарқларга йўл қўймаслик муҳимдир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўрилган чора тадбирлар унинг даромадлар даражасида кескинлашувнинг олдини олиш муҳимдир.

Ижтимоий маданий соҳа ташкилотлари ва муассасаларнинг ҳаражатлари асосан маҳаллий бюджетдан молиялаштирилади. Шу муносабат билан биз мазкур тадқиқотларимизда маҳаллий бюджетлар ҳаражатлари таркибида ижтимоий маданий инфратузилма ҳаражатлар салмоғи ва динамикасини таҳлил қиламиз (жадвалга қаранг)

2009-2012 йилларда Наманган шаҳар бўйича ижтимоий маданий
инфратузилма тадбир харажатлари таркиби ва динамикаси

Йиллар	2009		2010		2011		2012	
	Микдори млн. сўм	%	Микдори млн. сўм	%	Микдори млн. сўм	%	Микдори млн. сўм	%
Ижтимоий тадбирлар жумладан	4157578	100	675711	100	7985854	100	9098047	100
Ҳалқ таълими	311424	75,5	5208808	77,6	6072829	76,4	6986649	76,8
Маданият	26958	0,06	37578	0,06	42264	0,06	48575	0,05
Соғлиқни сақлаш	10011587	24,33	1457953	22,32	1857163	23,88	2047598	23,13
Жисмоиний тарбия	144	0	165	0	148	0	148	0
Ижтимоий таъминот	7465	0,01	11207	0,02	13456	0,02	15077	0,02

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2012 йилда ижтимоий маданий соҳалари инфратузилмага қилинган харажатлар таркибида ҳалқ таълими учун қилинган харажатлар 76,8 фоизни ташкил этган. Соғлиқни сақлаш учун қилинган харажатлар умумий харажатларининг 23,13 фоизни ташкил этса, ижтимоий таъминотга қилинган харажатлар жуда ҳам кам миқдорни ташкил қилмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Биз ушбу магистрлик диссертациямизда ижтимоий инфратузилманинг объектлари ва ободонлаштириш ишларини ривожлантиришда бюджет сиёсатининг ўрни, бу соҳаларнинг молиялаштириш механизмини маълум белгиланган мавзу чегарасида таҳлил қилдик. Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

- Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш шароитида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шакллантирилмоқда, унинг салбий таъсирларидан аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида республикада кучли ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда ва ижтимоий маданий соҳаларни юқори суръатларда ривожлантирилмоқда;
- Ижтимоий – маданий соҳаларни ривожлантиришда бозор муносабатларига мослаштирилган молиялаш тизими шакллантирилмоқда;
- Босқичма – босқич бозор муносабатларига ўтиш шароитида ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, нуқтаи назрдан муҳим аҳамият касб этади, бюджетнинг ижтимоий йўналтирилган харажатларини молиялаштириш, фуқороларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва кенг қўламли ижтимоий дастурларни маблағ билан таъминлаш унинг манбалари билан оқилона боғланган ҳолда олиб борилмоқда:

Шунинг билан биргаликда:

- Иқтисодий ўсишнинг ижтимоий йўналтирилганлиги кучайиб бориши билан иқтисодий назария ва амалиётда халқ фаровонлиги тушунчаси жамият ижтимоий иқтисодий тараққиётининг энг муҳим мезони сифатида янада аниқланади ва кенгайтирилади;
- Ижтимоий соҳага инвестиция йўналтирилаётган хусусий сектор рағбатлантирилиши керак, шу мақсадда хусусий фирма ва алоҳида

шахсларга солиқлар бўйича берилаётган имтиёзлар кенгайтирилиши, фирма ва алоҳида тадбиркор шахсларга хом ашё ва материаллар сотиб олиш учун имтиёзлар бериш лозим, бу тадбиркорларга товарлар ва хизматларни реклама қилишда имтиёзли таърифларни қўллаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш лозим. Бундан ташқари хусусий фирма ва корхоналарга давлат буюртмалари берилса, уларнинг даромадлари кафолатланади, бу эса ўз навбатида Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя қилишда молиялаштириш йўллари кенгайтиради;

- Ижтимоий ҳимоя ривожининг яна бир манбаи – суғурта бозорининг кенг қўламда ривожланишидир. Ўзбекистонда суғурта бозори кенг салоҳият ва имкониятларга қарамай миллий иқтисодиётимизнинг ва аҳоли эҳтиёжларини суғурта хизмати билан тўла қондира олмаяпти;
- Маҳаллий бюджетни шакллантириш жараёнида, маҳаллий бюджетга маҳаллий манбалардан ташқари умумдавлат солиқларидан фойда солиғидан, акциз солиғидан, жисмоний шахслар даромадидан олинadиган солиқлардан фақат вилоят, шаҳар бюджетларига эмас, туман бюджетларига маълум фоиз ажратилса туман бюджетига йил давомида шаҳар бюджетидан молиявий ёрдам сўралмайди, бундан ташқари, маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди;
- Фуқороларнинг жамоат фаровонлигига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳаражатларини давлат тамонидан молиялаштиришнинг авжу шаклларида бири – ҳозирги вақтда иқтисоди ривожланган мамлакатларда кенг тарқалиб бораётган транспорт ҳаражатлари усулидан фойдаланиш самарали натижалар беради;
- Ижтимоий – маданий соҳалар етарли самарали фаолият кўрсатиши учун давлат ижтимоий маданий соҳалар тизими билан хизмат кўрсатишнинг хусусий соҳаси қўшиб олиб борилиши керак.

Ижтимоий маданий соҳалар ҳаражатларини давлат бюджетидан, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобидан молиялаштириш мумкин;

- Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ислохотлар чуқурлашуви жараёнида ижтимоий маданий соҳаларни ривожлантиришни молиялаштириш тизими мураккаблашади, уни келгусида такомиллаштириш объектив заруриятдир.
- Ижтимоий маданий соҳаларни ривожлантиришни молиялаштириш тизимини келгусида такомиллаштириш мақсадида қуйидаги талабларни амалга оширишни тавсия этамиз:
- Ўзбекистон Республикаси ижтимоий кодексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- Бюджет ижроси жараёнида ҳорижий мамлакатларнинг тажрибасида қўлланилаётган ғазначиликдан фойдаланиш;
- Ижтимоий маданий соҳаларни ривожлантириш учун ажратилаётган маблағларни оқилона ишлатиш мақсадида ишлаб чиқилган ҳудудий иқтисодий моделдан фойдаланиш;
- Ижтимоий маданий соҳаларни ривожлантириш ажратилган маблағларни мувофиқлаштириш мақсадида давлат ва нодавлат ресурсларини бирлаштириш тамойилларига асосланган ташкилий – услубий схемадан фойдаланиш;
- Ижтимоий маданий соҳаларни молиялаштириш манбаларини кенгайтириш мақсадида тузилган таълим муассасаларида даромад келтирувчи фаолият турларининг таснифини амалда қўллаш;
- Нодавлат секторлар тамонидан ижтимоий маданий соҳаларни ривожлантириш учун йўналтирилаётган инвестиция солиқ, кредит, имтиёзлар бериш сиёсати орқали рағбатлантириш;
- Ҳудудий тиббий бирлашмаларнинг суғурта муассасаларига ўтказадиган маблағларидан таклиф этган янги тартибини қўллаш;

- Пенсия тўловида авлодлар бирдамлиги тамойилларини амалга ошириш мақсадида пенсионерлар билан ишловчилар ўртасидаги фарқни республика аҳолисининг бандлик даражасини кўтариш йўли билан керакли даражада таъминлаб туриш;
- Ўзбекистон Республикасида давлат тасарруфида бўлмаган хусусий пенсия жамғармалари таъминоти тизимини ташкил қилишдан иборат.

Ижтимоий-маданий ҳимояланган бозор иқтисодиётига ўтиш ва ижтимоий кафолотлар билан таъминлашнинг, ижтимоий маданий сохалар ривожланишида бюджет сиёсатининг ролини оширишни янги усулларини қўллаш Ўзбекистон Республикаси давлатчилигини мустаҳкамлаш жараёнини барқарорлатиришга хизмат қилади, ижтимоий маданий тадбирлар ўсиб боровчи эҳтиёжларини молиялаштиришнинг ва қўшимча имкониятларини қидириб топишга имкон беради ва ижтимоий иқтисодий ислохотларининг натижаларини тез орада ўзлаштириш имкониятларини таъминлайди деб умид қиламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2009, - 40б.
2. “Бюджет тизими” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. – Т.: “Ўзбекистон”, 14 декабрь 2000 йил 14 – декабрь 43б.
3. “Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни – Т. “Ўзбекистон” 26- август 2004йил
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси – Т. Ўзбекистон, 25-декабрь 2007 йил 263б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, 1997 йил 29-август.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”. 2010 йил, 28 июль, ПФ-4232-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда реконструкция ва таъмирдан ўтказиш учун пудрат ишлари кўламини кенгайтиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурани янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
16. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
17. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
18. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул

қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

19. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
20. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
21. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
23. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).
24. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 б. (электрон версияси билан).
25. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 5 б. (электрон версияси билан).
26. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим

устувор вазифалари. Экспресс- Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат килади” Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга баъишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь

27. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” Ўқув услубий қўлланма Тошкент 2012й
28. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг Тарихий хотира ва инсон омили – буюк келажагимизнинг гаровидир” рисоласини ўрганиш бўйича Ўқув қўлланма Тошкент 2012й
29. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.-Президент И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.
30. Каримов И.А. Жаъон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратadbирлари тўғрисида. 2008 йил 18 ноябрь, ПФ-4053-сон.
32. А. Ваъобов ва бошқ. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. Т. Иқтисод ва молия 2005 й.
33. А. Ваҳобов ва бошқ. Чет мамлакатлар молияси. – Т.: Янги аср авлоди, 2003.
34. А.Ваҳобов ва бошқ. Халқаро молия муносабатлари. – Т.: Шарқ, 2003.

35. Ваҳобов А., Жамолов Х. Соголасованио меёбюёетнёё ошноио. Уёеб.пос. – Т.: Иётисод-молия, 2003.
36. А. Ваҳобов ва бошё. Молиявий ва бошёарув таълили. Дарслик Т. Шарё 2005 ё.
37. Т. Маликов, Н. Хайдаров. Давлат бюёжети. Ўёув ёўлланма, Т. Иётисод ва молия 2007 ё.
38. Т. Маликов, Н. Хайдаров. Бюёжет даромадлари ва хараёатлари. Ўёув ёўлланма, Т. Иётисод ва молия 2007 ё.
39. Т. Маликов, Н. Хайдаров. Бюёжет: тизими, тузилмаси, ёараёни. Ўёув ёўлланма, Т. Иётисод ва молия 2008 ё.
40. З. Ёўлдашев, Т. Маликов. Уй хўёаликлари молияси, Т. Иётисод ва молия 2008 ё.
41. А. Нешитой. Финансё. Уёебник. М. Дашков и К, 2007 г.
42. М. Романовский. Финансё. Уёебник. М. Юрайт, 2007 г.
43. И. Алимов. Молия, Ўёув ёўлланма. Т. ТДИУ, 2007 ё.
44. А. Балтина. Финансовёе системё заруёеёнёё стран. Уёебное пособие. М. ФиС, 2007 г.
45. С. Галиёкая. Финансё. Конспект лекёий: Уёебное пособие, М. Эксмо, 2007 г.
46. В. Ковалева. Финансё. Уёебник. М. Проспект, 2008 г.
47. Н. Хайдаров. Давлат молиясини бошёариш. Ўёув-услубий ёўлланма. Т. Академия, 2005 ё.
48. Н. Хайдаров. Молия. Ўёув ёўлланма. Т. Академия, 2001 ё.
49. Т.С.Маликов: Молия хўёалик юритувёи субоектлар молияси: Ўёув ёўлланма. Тошёент: Иётисод-молия, 2009 ёил.
50. Т.С.Маликов., Ваҳобов Д.Р.Молия: чизмаларда: Ўёув ёўлланма. Тошёент: Иётисод-молия, 2009 ёил.
51. Т.С.Маликов., Д.Р.Ваҳобов. Молия: чизмаларда Ўёув ёўлланма.-Тошёент: Иётисод-молия, 2010 ёил.

52. З.Ю.Юлдашев, Т.С.Маликов. Молия: уй хўжаликлари молияси: Ўқув қўлланма. Тошкент: Иқтисод-молия, 2008 йил.
53. Г.Қосимова Ўзбекистон Республикаси фаолиятини ташкил этиш: Ўқув қўлланма. Тошкент: Иқтисод-молия, 2005 йил.
54. Н.Хайдаров. Давлат молиясини бошқариш.-Тошкент: Академия, 2005 йил.
55. Т.С.Маликов., О.О.Олимжанов . Молиявий менежмент. Тошкент: Академия, 2000-2006.
56. Т.Маликов. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. Тошкент: Академия, 2002 йил.

Internet saytlari:

- www.minfin.ru
- www.mf.uz
- www.budget.ru
- www.df.ru
- www.iet.ru